O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ | Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan • www.uzas.uz • 2009-yil, 22-май • № 21 (4004)

"ЯГОНАСАН, МУҚАДДАС ВАТАН"

Республика қўшиқ танловининг биринчи босқичи давом этмоқда

Дунёдаги энг яхши қўшиқлар муқаддас саждагоҳимиз, ота-боболаримизнинг киндик қони тўкилган, табаррук хоклари ётган бебаҳо Ватанимиз, хоки пойларини кўзимизга тўтиё қилиб, севиб-ардоқловчи Оналаримиз ҳақида эканлиги чин гап. Зеро, Ватан ва Она сўзларининг биргаликда айтилишида, ҳар икки сўзнинг тагмаънолари бир-бирини тўлдиришида ҳикмат бор.

Туғилган юртни севиш, уни асраб-авайлаш, шаъну шарафини юксалтириш йўлида фидойиларча яшаш бизга аждодларимиздан ўтиб келаётган юксак инсоний қадриятдир. Ўз навбатида биз ҳам камол топиб келаётган ёш авлод қалбига Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғуларини сингдиришимиз лозим. Бу борада, шубҳасиз, Ватанни шарафлайдиган, ҳар сатридан она юрт таровати анқиб турадиган мазмунан теран, бадиий баркамол қўшиқларнинг алоҳида ўрни бор.

Шунинг учун ҳам мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидан бошлаб "Ўзбекистон — Ватаним маним", "Қўшиқларда Ватан мадҳи" каби кўплаб кўрик-танловлар ўтказиб келинмоқда.

Президентимизнинг "Ягонасан, муқаддас Ватан" республика кўрик-танловини ўтказиш ҳақидаги қарори бу борада янги бир қадам бўлди. Бугунги кунда биринчи босқичи туман ва шаҳарлар миқёсида давом этаётган бу танловни ўтказишдан мақсад ёш авлод қалбида Ватанга меҳр-муҳаббат ва садоқат туйғуларини камол топтириш, она юрт тақдирига дахлдорлик ҳисси билан йўғрилган мазмунан теран, бадиий етук қўшиқлар яратишни рағбатлантиришдир.

Куни кеча Ўзбекистон давлат консерваториясида "Ягонасан, муқаддас Ватан" танловининг дастлабки босқичини ўтказишга доир давра мулоқоти бўлиб ўтди. Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси, Ёзувчилар ва бастакорлар уюшмалари ҳамкорлигида ташкил этилган бу тадбирда таниқли шоир ва бастакорлар, хонанда ва созандалар, соҳа мутахассислари ва талаба-ёшлар қатнашдилар. Асосий эътибор танловга тақдим этилаётган қўшиқлар матни ва мусиқасининг савиясига жиддий эътибор бериш, уларни талаб даражасида тайёрлашга қаратилди.

Билдирилган фикр-мулоҳазалардан шу нарса англашилдики, танловнинг биринчи босқичини мукаммал ўтказишга эришиш зарур. Таниқли ижодкорлар туман ва шаҳарларда кечаётган тайёргарлик жараёнларини жойларда кузатишлари, ташкилотларга тегишли маслаҳатлар беришлари лозим.

Ҳар қандай яхши шеър қўшиқ бўлавермаганидек, овози бор, ижроси мукаммал хонандалар ижросидаги хар бир қўшиқ ҳам ҳамиша бир хил савияда чиқмайди. Бинобарин, қўшиқ ҳамкорликда яратилади.

Тадбирда сўзга чиққан шоир ва бастакорлар Эркин Самандар, Омон Мухтор, Ҳайдар Муҳаммад, Рустам Мусурмон, Фарида Афрўз, Турсуной Содиқова, Баҳрулла Лутфуллаев, Дилором Омонуллаева, Ойдин Абдуллаева ва бошқаларнинг бу борадаги фикрлари бир жойдан чиқди.

Мазкур танловда асосий эътибор хонанданинг касбий маҳоратига эмас, қўшиқнинг савиясига қаратилади. Яъни қўшиқ матни, мусиқанинг ўзига хослиги, мавзунинг мазмундорлиги, Ватанни шарафлайдиган, ор-номус, қадр-қиммат, ғурур-ифтихор каби фазилатлар тараннум этилганлиги асосий мезон бўлиб ҳисобланади. Кўрик-танловнинг оммавийлигини ва кўтаринки рухда уюшқоқлик билан ўтишини таъминлашга ҳисса қўшиш ҳар бир ижодкорнинг бурчидир.



ТУНГИ ТОШКЕНТ

Ойдин тунда ўхшар Тошкент ойпошшога,
Келар олам юлдузлари томошшога.
Зар сочганда сувга Ўрда чироқлари,
Ошиқларга тўлар анҳор қирғоқлари.

Отабекнинг излари бор Эрам боғда,
Шивирлайди армонлари ҳар япроқда.
Еллар ҳазин куйлар ўтмиш афсонасин —
Тош қалъанинг ўн икки хил дарвозасин.

Йиллар ўтар, бу онлар ҳам тарих бўлгай,
Зебо тунлар такрор-такрор таъриф бўлгай.
Фаришталар ёғдириб бор илҳомларин,
Безантиргай балки Тошкент оқшомларин.

Ойдин тунда ўхшар Тошкент ойпошшога...

Анвар ОБИДЖОН,
Ўзбекистон халқ шоири

"УМИД НИҲОЛЛАРИ — 2009"

Сирдарё вилоятида ўтадиган "Умид ниҳоллари" спорт мусобақалари доирасида "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси томонидан таниқли эстрада хонандаларининг меҳнаткашлар ва ёшлар ўртасидаги концерт-учрашувлари давом этмоқда.

Сайхунобод марказий оромгоҳида, "Янгиобод" хўжалигида, Нурота, Гулистон қишлоқларида, Оқ олтин туманининг Ғалаба, Бўстон, Шодлик қишлоқ марказларида, Ховос туманининг Зафаробод, Қаҳрамон, Хуснобод, Чаманзор ва Соҳибкор қишлоқларида ўтказилган тадбирларда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Авазбек Олимов, Нилуфар Саитова, Илҳом Фармонов, Дилфуза Раҳимова, Асатилло Холиқов ҳамда Дилшод Раҳмонов, Абдужалил Қўқонов ва Шаҳноза Отабоева, Наргиза Азимова, Малика Эгамбердиева каби истеъдодли ёш хонандалар ўз қўшиқлари билан барчани хушнуд этдилар.

Гулистон шаҳрида шарқ якка кураши бўйича ўтказилган халқаро ва республика мусобақалари ғолибларини тақдирлаш маросимида ҳам эстрада хонандаларидан Шаҳло Сафарова, Алишер Ўдаев, Икром Абдуллаев, Озода Ғофурова ва бошқалар ўз санъатларини намойиш этдилар. Оқ олтин туманида эса Шароф Муқимов, Ўлмас Оллоберганов, Исроил Саидумаров иштирокида концерт-учрашувлар бўлиб ўтди.

М.МАҲКАМОВА

"ОЙОНАМ — ҚАЙНОНАМ"

Янги спектакл

Муқимий номидаги Ўзбек давлат мусиқали театрида саҳналаштирилган "Ойонам — қайнонам" номли янги спектаклни томоша қилар эканмиз кўз олдимизга "Тоҳир ва Зуҳра", "Лайли ва Мажнун", "Равшан ва Зулхумор" каби мусиқали саҳна асарлари жонлангандек бўлди. Чунки мазкур асар ўзбек мумтоз мусиқали драма асослари қонун-қоидаларига таянган ҳолда яратилган. Спектакл мусиқасини тинглаб, устоз бастакоримиз Тўхтасин Жалиловнинг нурли йўлидан бораётган ва ижод қилаётган замонавий бастакорлар бор эканига ишонч ҳосил қилдик.

Драматург Нурилло Аббосхон ва бастакор Қаҳрамон Комиловнинг асарида ўзбек аёлининг тақдири унинг оғир ва ташвишли ўтмиши, орзу-умидлари ҳақида ҳикоя қилинади. Қумри ая образини яратган Ўзбекистон халқ артисти Марям Ихтиёрова самимий, содда, иродали ва сабр-тоқатли ўзбек аёлларининг бой ички оламини, кўрсатиб бера олган.

Асарни муваффақиятли саҳналаштиришда Қаҳрамон Комиловнинг маҳоратини эътироф этиш зарур. Саҳналаштирувчи режиссёр Баҳодир Назаров замонавий режиссура ютуқларидан фойдаланиб, янги-янги топилмаларни кашф этган. Янги асарнинг саҳналаштиришга дирижёр Жўра Ортиқов, рассом Шуҳрат Абдумаликов, балетмейстер Шоқир Аҳмедов, хормейстер Омон Комилжонов, театрнинг устоз актёрлари Меҳри Бекчонова, Ҳамид Тўхтаев, Турғун Бекназаров, Турсунбой Пиржоновлар қаторида, ёш актёрлар, хор артистлари, миллий ва симфоник оркестр созандалари катта ҳисса қўшганлар.

Жамоатчилик муҳокамасида "Ўзбектеатр" бош директори Омонулла Ризаев, мусиқашунос ва театршунос олимлар А.Жабборов, Т.Баяндиев, Ҳ.Икромов, драматурглар Ж.Жабборов, Ҳ.Шарипов, Ҳ.Расул, бастакорлар Ш.Шоҳимардонова, Ф.Алимовлар спектаклнинг ютуқлари билан бир қаторда айрим камчиликлари ҳақида ҳам тўхталиб, фикр-мулоҳаза билдирдилар.

А.РАҲИМОВ,
"Ўзбектеатр" бирлашмаси ахборот бўлими бошлиғи

ОРОЛ ДАРДИ — ОЛАМ ДАРДИ

Нукусга навбатдаги хизмат сафарига бораётиб, таниқли қорақалпоқ адиби Ўрозбой Абдураҳмоновнинг "Орол дарди — менинг дардим", деган сўзларини эсга олдим. Унинг каттагина эссе ва кино асарлари ҳам шундай номланади. Йигирма бир йил аввал "Помир" журналининг ўша вақтдаги бош муҳаррири, публицист Маъсуд Муллажонов ташаббуси билан уюштирилган "Орол — 88" экспедицияси чоғи собиқ иттифоқнинг турли шаҳарларидан ташриф буюрган олимлар ва адиблар Орол фожиаси боис катта мусибатга юзма-юз турган эл тақдирига ишора қилиб, уни "сўнгги қорақалпоқ" дея атаганлари ҳам кечагидек эсимда.

Кўҳна денгизимизни ҳалокатга маҳкум этган шўролар салтанати барҳам топди. Мустақилликка эришгач, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан халқаро кўламда Орол кризиси оқибатларини бартараф этиш йўлида мардона кураш олиб борилмоқда. Денгизнинг қуриган тубидан заҳарли туз ва чанг зарралари кўтарилиши, қум кўчишини олдини олиш мақсадида кичик сув ҳавзалари, сунъий ўрмон ва иҳотазорлар вужудга келтирилаётир. Оролни қутқариш халқаро жамғармаси ва хорижий ташкилотлар ҳамкорлигида ичимлик сув сифатини яхшилаш, аҳолини иш билан таъминлаш, тиббий хизмат савиясини кўтариш борасида муҳим лойиҳалар рўёбга чиқарилмоқда. Уларга қизиқиш катта. Шу боис ҳар гал Нукусга хизмат сафарига борадиган бўлсам, Орол фожиаси оқибатларини бартараф этиш бўйича қилинаётган ишлар билан танишиб қайтишга ҳаракат қиламан.

Бу сафар ҳам шундай бўлди. Атоқли ижодкорлар Ибройим Юсупов ва Тўлепберген Қайипбергенов таваллудларининг саксон йиллиги тадбирлари оралиғида вақт топиб, Оролни қутқариш халқаро жамғармаси агентлиги Нукус филиали раҳбари Уббиниёз Аширбековга қўнғироқ қилдим. "Айни вақтида қўнғироқ қилдингиз, — деди у. — Ҳозир жамғармамиз раҳбари Усмон Бўронов ва Саудия Арабистони қироллигининг мамлакатимиздаги фавқулодда ва мухтор элчиси Мансур Иброҳим ал-Мансур жаноблари билан Мўйноққа жўнамоқчи бўлиб турибмиз. Агар ярим соат ичида келолсангиз, сизни ҳам Мўйноқ сафарига ола кетардик. Ишларимизни ўз кўзингиз билан кўрганингиз тузук".

Шу куни бешинчи май эди. Элчи жаноблари ва Уббиниёз ога олдинда, Усмон Қўрғонович иккаламиз кейинги машинада бораётиб, дастлаб Амударё ўзанидаги Тахиатош гидроузелида тўхтадик. Ҳали Туямўйиндан сув очилмаган, дарёнинг тармоқланган ўзанлари бўм-бўш, Қизкетган каналида сув жилдираб турибди. Иншоотнинг муҳташамлиги бир вақтлар бу ердан Жайҳун нечоғли қудратга тўлиб оққан даврларни эсга солади. Агар дарёнинг юқори ўзанларида Роғун тўғони каби йирик иншоотлар қуриладиган бўлса, бу гидроузелга ҳожат қолмайди. Оролбўйи жилдираб келиб турган сувдан ҳам маҳрум бўлади. Президентимиз Ислом Каримов Оролни қутқариш халқаро жамғармаси таъсисчи давлатлари раҳбарларининг 2009 йил 28 апрелда Олмаотада бўлиб ўтган учрашувида таъкидлаганидек, мамлакатларимиз, халқларимиз манфаатлари бир четда қолиб, учинчи кучларнинг стратегик ҳамда геосиёсий манфаат ва мақсадлари, минтақани бошқариш билан боғлиқ масалалар олдинга чиқиб қоладиган бўлса, ана шу улуғ дарёнинг обиҳаётига кўз тиккан ўзбек ва қорақалпоқ, туркман ва қозоқ халқлари янада оғир экологик муаммоларга юзма-юз келиши мумкин.

Тахиатошдан Мўйноқ сари борар эканмиз, оппоқ бўлиб шўр босган далаларга боққанча шу ҳақда ўйлар эдик. "Оролни қутқариш халқаро жамғармаси кучи билан денгизнинг қуриган қисмида кичик сув ҳавзалари яратиш бўйича бир қанча лойиҳаларни амалга оширдик ва бу борадаги ишлар давом этаётир, — дейди Усмон Қўрғонович. — Сувчучук, Жилтирбош ва бошқа кичик ҳавзаларда балиқчилик вужудга кела бошлади, чорва озуқаси кўпаймоқда, одамлар ишли бўлаётир. Биохилма-хиллик тикланаётгани боис бир пайтлар бу жойларни тарк этган қушлар яна ўз йўлларини Орол сари бурмоқдалар. Агар Амударёнинг юқори оқимида янги тўғонлар қуриладиган бўлса, қанчадан-қанча маблағ сарфланиб, вужудга келтирилган экотизимлар издан чиқиши мумкин".

Давоми иккинчи бетда.

РАҚС ҚАЛБДА ТУҒИЛАДИ

Гулмира Ширинова болаликдан рақсга меҳр қўйиб улғайди. Дилафрўз Жабборова, Қизлархон Дўстмуҳамедова, Маъмура Эргашева каби рақ-қосалардек бўлишни орзу қиларди. Айни чоғда онасининг армон бўлиб қолган орзусини амалга ошириш нияти ҳам фикри-зикрини қамраб олганди. Унга шифокор бўлиш, одамлар дардига даво топиш истаги ҳам тинчлик бермасди. Хулласи, икки соҳадан бирини танлаш лозим эди. Унинг рақс санъатига қизиқиши устун келди. "Андижон полкаси" ансамбли таркибида кўпгина танловларда қатнашди, "Санъат ғунчалари" танлови лауреати бўлди. Илк устози онаси бўлса, кейинчалик Абдуғаффор Қодиров, Қундуз Миркаримова, Зуҳра Раҳматуллаева, Дилафрўз Жабборова, Қодир Мўминов каби рақс усталари сабоғидан баҳраманд бўлди.

Давоми бешинчи бетда.

ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИДА

Аввал хабар қилинганидек, Ёзувчилар уюшмасида тўрт нафар ёш ижодкорнинг янги китоблари муҳокамаси бўлиб ўтди. Ёш ижодкорлар Беҳзод Фазлиддин, Баҳодир Баҳром, Акмал Тош ҳамда тадқиқотчи Иброҳим Азизнинг илк изланишлари самараси ўлароқ дунёга келган китоблар, айтиш мумкинки, уларнинг ижод йўлидаги дастлабки ютуқлари ҳисобланади.

Таниқли адабиётшунос олим Иброҳим Ғафуров муҳокамани олиб борар экан, ҳар бир ижодкорнинг ўзига хос ютуқлари, сўз қўллаш ва янгиликка интилиш йўлидаги уринишлари хусусида алоҳида тўхталди. — Ижод майдонига кириб келаётган навқирон авлоднинг тоза нафаси, янги фикрларга интилувчанлиги, энг муҳими, шеъриятга, адабиётга масъулият билан ёндашаётгани мени қувонтиради. Улар аксар шеър ва ҳикояларида кўпроқ дунё билан тиллашишга, ҳаётни тушунишга, бир сўз билан айтганда, қамровни кенгроқ олишга ҳаракат қилмоқдалар, — деди мунаққид.

Тадбирда Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Саййид, адабиётшунос олим Абдуғафур Расулов, шоир ва драматург Эркин Самандар, шоир Турсун Али ва бошқалар сўзга чиқиб, ёш ижодкорларнинг илк муваффақиятлари тўғрисида ўз мулоҳазаларини билдирдилар.

Ўз ахборотимиз.

ТАЛАБАЛАР ҲУЗУРИДА

Куни кеча Миллий университетнинг Ўзбек филологияси факултети "Туркий тиллар" гуруҳи талабаларининг Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али билан адабий учрашуви бўлиб ўтди. Унда адибнинг "Улуғ салтанат" романи, асарнинг туркча таржимаси ҳақида сўз бориб, талабаларнинг аслият ва таржима борасида қилган қиёсий таҳлиллари йиғилганларда катта қизиқиш уйғотди. Талабалар Г.Мирзаева, Г.Эржигитова, З.Норқобиловалар томонидан берилган саволлар қизғин баҳс-мунозарага сабаб бўлди.

Тадбирда ёзувчи шотланд шоири Роберт Бёрнс шеърларидан қилган айрим таржималарини ўқиб берди.

Дилноза ЮСУПОВА,
ЎзМУ талабаси

МАДАНИЙ ҲАЁТ

Кейинги йилларда Ўзбекистон ва Германия ўртасидаги иқтисодий, маданий ва бошқа соҳалардаги алоқалар изчил ривожланиб бормоқда. Бунда "Ўзбекистон — Германия" ва "Германия — Ўзбекистон" дўстлик жамиятларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Биргина Бухоро ва Бонн шаҳарларининг биродарлашуви доирасида ўтказилаётган тарбирлар, ҳар икки мамлакат олий ўқув юртлари, тиббиёт ходимларининг тажриба алмашинуви фикримизга ишончли далил бўла олади.

Бухорода немис маданияти кунларини ўтказиш ҳам яхши анъана тусини олаётир. Навбатдаги маданият кунлари дастурига биноан Бухоро давлат университетида илмий анжуман, шаҳардаги Нодирдевонбеги хонақосида Германия академик филармониясининг концерти бўлиб ўтди. "Олимжон" карвонсаройида эса немис аёллари ҳаётига бағишланган кўргазма очилди.

* * *

Германиянинг "Грасси" музейи директори Клаус Даймел бошчилигидаги делегация аъзолари Ўзбекистон Бадиий академиясида бўлиб, академия фаолияти билан яқиндан танишдилар. Академия раиси Турсунали Қўзиев мамлакатимизда миллий-маънавий меросни ҳимоя қилиш, асраб-авайлаш, музейлар фаолиятини кучайтириш, ижодкорларга зарур шарт-шароитларни яратиб бериш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар тўғрисида меҳмонларга батафсил сўзлаб берди.

Мулоқотда икки мамлакат ўртасидаги маданий алоқаларни янада кучайтириш, музейларнинг ўзаро ҳамкорлигини, жумладан, экспонатлар алмашинувини йўлга қўйиш юзасидан фикрлашиб олинди.

Делегация аъзолари Ўзбекистон тарихи давлат музейи ҳамда Амалий санъат музейини ҳам бориб кўрдилар.

* * *

Ўзбекистон Тасвирий санъат галереясида Андижон вилояти адабиёт ва санъат музейи тўпламидан, Андижон ўлкашунослик музейининг замонавий андижонлик рассомларнинг рангтасвир асарларидан ташкил этилган кўргазма очилди. Кўргазмадан Тансиқбоев, Н.Карахан, Ч.Аҳмаров, А.Абдуллаев, Ю.Зилберман, А.Мирзаев каби кўплаб истеъдодли рассомларнинг асарлари жой олган. Шунингдек, андижонлик замонавий рассомлардан Н.Холиқов, О.Бакиров, У.Болтабоев, Н.Казиев, А.Сайбархановларнинг асарлари ҳам томошабинларда катта таассурот қолдирмоқда.

* * *

Тасвирий санъат галереясининг анжуманлар залида "XIX — XX аср Самарқанд рангтасвир мактаби" мавзусида халқаро илмий–назарий анжуман бўлиб ўтди.

Анжуман рангтасвир санъатида ўзига хос мактаб яратган П.П.Бенков таваллудининг бир юз ўттиз йиллиги ҳамда Халқаро музейлар кунига бағишланди. Анжуманда рус ориентализм йўналиши ва Ўзбекистон, Самарқанд анъаналари ва маданиятлар чорраҳаси, XIX — XX аср Самарқанд рангтасвир мактабининг аҳамияти, П.П.Бенков ҳаёти, ижоди, педагогик фаолиятининг турли қирралари, замонавий Ўзбекистон музейларининг долзарб муаммолари, Германия Федератив Республикаси музейлари фаолияти билан танишув, Ўзбекистон музейларининг хорижий мамлакатлар музейлари билан ҳамкорлиги каби мавзуларда маърузалар тингланди.

* * *

"Туркистон" саройида икки кун давомида намойиш этилган концерт дастури Тошкентнинг 2200 йиллигига бағишланди. "Ўзбегим ёшлари" гуруҳи тайёрлаган дастурни Камола Эрматова ва Камола Шарафиддинова олиб бордилар.

Дилшод Имомалиев, Умида Ҳожиева ҳамда Машхурбек ижросидаги қўшиқлар, Наргиза Бектемированинг рақслари барчага манзур бўлди. Яқинда Озарбойжонда ўтган халқаро фестивалда ғолибликни қўлга киритган Юлдуз Турдиева озарбойжонча қўшиғини тақдим этди. Мақсуда Усмонова ва Суҳроббек Ҳамдамов ижросидаги театрлаштирилган дуэт, йигитлар ижросидаги "акапелло" қўшиғи, Гулбаҳор Ахимбетованинг Малайзия мумтоз тароналаридан "Чиндай"ни куйлаши томошабинларга хуш кайфият бағишлади.

Бошланиши биринчи бетда.

Юртбошимизнинг Олмаота учрашувида сўзлаган нутқида вазиятга ниҳоятда холис баҳо берилгани ва Марказий Осиёда яшовчи барча халқларнинг туб манфаатлари рўй-рост айтилгани учун бу нутқ халқаро кўламда катта акс-садо берди. Мазкур анжумандан бир ҳафта ўтар-ўтмас йирик давлатлар дипломатик корпус вакилларининг Оролбўйидаги ҳақиқий вазиятга қизиқишлари янада ошганлиги бежиз эмас.

Элчи жаноблари Мўйноқда собиқ порт йўлакларидан туриб, бир вақтлар денгиз чайқалиб турган соҳилдаги кемалар қабристонини суратга олар экан, афсус билан бош чайқаб қўяди... Туман ҳокими ўринбосари Узоқбой Жалгапов ҳамроҳлигида денгизнинг қуриган тубида барпо этилаётган ўрмонзорлар сари йўл оламиз. Йўлимиз собиқ Учсой овули бўйлаб ўтади. Бир пайтлар машҳур балиқчилик хўжалиги бўлган бу жойда газ ва нефт конлари очилиши муносабати билан ҳаёт ўз измига қайта бошлабди. Бу ерда ҳаёт жонланганини кўриш келажакка умид уйғотади. Одамлар уй-жойини замонавий пардоз материаллари билан таъмирлаётгани, қамиш четанлар ўрнида ғишт деворлар олинаётганини кўрган киши қувонмаслиги мумкин эмас. Газчилар тортиб борган асфальт йўл, табиий ва сунъий ўрмонзорлар қум ва туз кўчиб ётган денгиз тубида одамларга, ҳайвонот ва наботот оламига ҳаёт бағишлаб турибди. Машиналаримиз асфалт йўлдан тушгач, моторлар зўриқа бошлади. Уловларни қолдириб, сунъий ўрмонзор томон пиёда кетдик. Молюскаларнинг майда чиғаноқлари бир пайтлар шу ерда денгиз бўлганини эслатади. Ярим чақирим юрар-юрмас саксовул бутазорлари қуюқ кўкарган жойда тўхтадик. Мўйноқ ўрмон хўжалиги бошлиғи Бахтиёр Шариповнинг айтишича, бу йил баҳорда шу жойда 250 гектар янги ўрмонзор барпо этилибди. Олтмишдан зиёд ишчи қишин-ёзин шу иш ва қум кўчишини тўхтатувчи иҳотазор яратиш билан машғул. Мўйноқда саксовул кўчатлари етиштириладиган питомник ташкил қилинган. Баҳорда қадалган кўчатлар тутиб кетгач, ораларига қандим ва черкез каби чўл ўсимликлари уруғи сепилар экан. У чорва учун яхши озиқ, қушлар ва ўрмон жонзотлари учун ҳам қулай маскан.

Оролбўйи шимолидаги суви қочган ўн минг гектар майдонни ўрмон билан қоплаш бўйича лойиҳа ишлари ниҳоясига етаётган экан. Сувчучук кўли ҳудудида яна йигирма минг гектарлик шундай ўрмонзор барпо этиш лойиҳаси тайёрланибди. Бу борадаги дастур ва лойиҳаларга дипломатия ваколатхоналари ва халқаро ташкилотлар катта қизиқиш билан қарамоқда.

Ўрмонзордан қайтарканмиз, режада белгиланмаган бўлса-да, элчи жаноблари: "Яна қанча юрсак, денгизга етамиз", деб сўради. Уббиниёз оға бир оз ўйланиб қолди. Сабаби қирғоғидан қочиб бораётган денгиз олис эди. Уни қувиб етиш мушкул. Бошловчимиз буни тушунтиришга ҳаракат қилди. Маълум бўлишича, тирик жониворлар яшай олмайдиган ўта шўрланган ўлик денгизни кўриш учун Устюрт томон бурилиб, яна икки юз километрлар чамаси йўлсиз жойдан ўтишга тўғри келаркан. Бунинг учун уловларимиз мос эмас. У жойларда мобил алоқа ҳам йўқ. Оролқумнинг поёнсиз ҳудудларига махсус машиналарда алоҳида тайёргарлик билан йўлга чиқиш керак. Шунда ҳам қўш улов керак: бири панд берса, иккинчиси манзилга етказади...

Мўйноққа қайтаётиб денгизни кўришни орзу қилган элчини тушунгандай бўлдим. У армон билан қайтди, Оролни кўра олмади. Албатта, ўлаётган денгизни қутқариш энди душвор экани ҳаммага аён. Бироқ одамзотнинг табиати шундайки, бунга асло иқрор бўлгиси келмайди. Инсон ҳамиша имкон ахтариш ҳақида ўйлайди, табиатни Аллоҳ яратган қиёфада асиллигича кўришни истайди. Эҳтимол, барча яхши одамларни шу эзгу ният бир-бири билан боғлаб турар...

Мўйноқда Орол музейи билан танишдик. Денгизнинг ўнлаб турдаги ноёб балиқлари, ўзига хос ҳайвонот олами, бу ердан Қозоғистоннинг Орол шаҳрига қатнаган тезюрар теплоходлар макети хаёлингизни ўтмишга олиб кетади. Агар коммунистлар жазаваси билан денгиз ўлимга маҳкум этилмаганида кўҳна Оролимиз чайқалиб, унинг бағрида ноёб балиқлар ва кемалар аввалгидек эркин сузиб юрган бўларди. Бугун Марказий Осиё давлатлари минтақани ташқаридан бошқаришга интилаётган ўзга мамлакатлар геосиёсий мақсадларига чув тушмасдан якдиллик билан ҳаракат қилсалар, Оролбўйи муаммоларига имкон қадар ечим топиш мумкин. Юртбошимиз Олмаота учрашувида сувсиз денгиз ҳудудидан кўтарилаётган чанг-туз бўронларини камайтириш учун Орол ҳавзасидаги кичик кўлларни сув билан тўлдириш, биохилма-хиллик ва бошқа экотизимларни тиклаш, ўрмонзорлар яратиш масаласини илгари сурди. Шу мақсадлар учун ўн йил мобайнида бир миллиард доллар миқдорида маблағ сарфланди. Қозоғистон ҳам халқаро ташкилотлар кўмагида Сирдарёнинг Оролга қуйилиш жойида ўн уч километрлик тўғон қуриб, Кўкорол ҳавзасини кичик денгиз сифатида тиклашга муваффақ бўлди. Мамлакат бош вазири Карим Масимовнинг интернетда қайд этилган гапига қараганда, шу жойда яна битта катта тўғон ва Сирдарёдан ўтаётган сув ҳажмини оширадиган янги гидроиншоот қуриш кўзда тутилмоқда. У амалга ошгач, Кўкоролдан 35 километр масофадаги Орол шаҳрига яна кемалар қатнайдиган бўлади.

ОРОЛ ДАРДИ — ОЛАМ ДАРДИ

Баҳри муҳитга мадад

Оролбўйидаги катта муаммолардан бири ичимлик сув масаласи. Мўйноқ яқинидаги сувни тозалаш станциясида бўлганимизда Япониядан келтирилган замонавий ускуналар иши билан қизиқдик. Қувурлар орқали Туямўйиндан келаётган сувга шу жойда суюқ хлор қўшилиб, истеъмолчиларга жўнатилар экан. Сув сифати кунига бир неча бор назоратдан ўтказиб туриларкан. Унинг таркиби тоза, бироқ бир оз тахир. Бунинг сабаби балки дарё юқорисидаги ўзанларга зовур сувлари ҳам тушишидадир...

Орол жамғармаси лойиҳаларидан бири "Экологик кризис ҳудудидаги аҳолининг бозор шароитларига мослашишини қўллаб-қувватлаш", деб номланади. Биргина ўтган йили 337 лойиҳа бўйича қорақалпоғистонлик оилаларга 1254,3 миллион сўмлик кам фоизли кредитлар ажратилибди. Мўйноқ шаҳрида шундай ижтимоий лойиҳа бўйича кредит олиб ишлаётган Ойгул Эшниёзова хонадонида бўлдик. У икки марта икки ярим миллион сўмлик кредит олган экан. Бу пулларга замонавий тикув машиналари харид қилган Ойгул болалар қўғирчоғи, аёллар кийими ва келинлар либоси тикишни йўлга қўйибди. Қарзларнинг бири аллақачон узилган, иккинчиси бу йил узилади. "Фойда бўляптими?" деб сўраймиз ундан. "Қўшниларни иш билан таъминладик. Иккала ўғлимни уйлаб, келин туширдим. Мана улар ҳам ўзим билан ёнма-ён ишлашяпти. Фойдаси шу-да..." Шундай лойиҳалар бўйича кредит олиб балиқчилик ва чорвачилик билан шуғулланаётган, ўтов, қайиқ, бешик, эшик-ром қилиб сотаётган, пишиқ ғишт тайёрлаётганлар кўп. Уббиниёз оғанинг айтишича, кредит олганлар банк, суғурта, солиқ ва ҳуқуқий масалаларда ўқитилар ҳам экан.

Хўжайлида Нозлимхон сулув мажмуини зиёрат қилаётганда Ўзбекистон Қаҳрамони, таниқли археолог Ғайратдин Хўжаниёзов ўзбек ва қорақалпоқ халқларининг қадим меъморчилиги, расадхона тарзидаги қалъа-шаҳар ва кўҳна ёдгорликлар тарихи ҳақида сўзлаб берди. Бу суҳбат И. Савицкий номидаги Қорақалпоғистон давлат санъат музейи экспонатлари билан танишув чоғида ҳам давом этди. Томдидан топилган туя тасвири туширилган тўрт минг йиллик сопол парчаси, шунингдек, эрадан аввалги тўртинчи асрдан бошлаб саккиз аср мобайнида ҳаёт қайнаган Қўйқирилган қалъа макети элчи жанобларида катта қизиқиш уйғотди.

Сафаримиз якунида жамғарманинг Нукус филиалига ташриф буюрдик. Қорақалпоқ кино ижодкорлари Турениёз Қалимбетов сценарийси асосида яратган "Қудуқ" бадиий филмини томоша қиларканмиз, Оролбўйи аҳолиси дуч келган экологик муаммолар жонли тасвирлар орқали онгу шууримизда муҳрланиб қолди. Элчи хайрлашиш олдида чиройли қутиларга жойланган хурмо меваларини Оролбўйи аҳолисига тортиқ қилди. Уббиниёз оға ҳам ҳурматли меҳмонни қорақалпоқларнинг миллий тўни билан сийлаб кузатди.

* * *

Эртаси куни барвақт Нукус туманидаги "Қорақалпоғистон" иссиқхона хўжалигига бордик. "Жаҳон адабиёти" журнали бош муҳаррири ўринбосари шоир Мирпўлат Мирзо менга ҳамроҳ бўлди. Бу хўжаликка йўл олганимиз бежиз эмас. Кўп йиллардан буён экинларни томчилатиб суғориш усулига қизиқаман. Тўрт-беш йил бурун бу ерда пахтани шу усулда суғориб, гектаридан етмиш центнергача ҳосил олинган экан. Наҳотки, ҳосилдорликни шу даражага чиқариш, яна сувни ҳам тежаш мумкин бўлса?! Ақл бовар қилмайди. Аслида кам сув билан 40-45 центнер ҳосил олишнинг ўзи ҳам катта мўъжиза-ку!

"Минг бора эшитгандан бир бора кўрган афзал, — дейди бир пайтлар шу янгиликни қўллаш тадбирлари бошида турган Турсунбой Тангриберганов. — Томчилатиб суғоришни ёпиқ иссиқхона шароитида эмас, очиқ жойдаги пахта даласида синаб кўрганмиз. Йигирма гектар майдондаги "Бухоро-6" навли ғўзага томчилатиш усулида сув ва минерал ўғит берганмиз. Ҳосилдорлик етмиш центнерга боргани муболаға эмас".

— У ҳолда нега бугун шу самарали усулни сабзавот-полиз экинларини суғоришдагина қўллаяпсизлар?

Суҳбатдошим бунинг сабабини очиқ айтмаса-да, шундай қўшимча қилди: "Бу йил Қорақалпоғистонда беш юз гектар ерда томчилатиб суғориш усулини жорий этиш вазифаси қўйилган. Модомики, эҳтиёж бор экан, биз пахтада ҳам бу истиқболли усулга албатта қайтамиз. Исроилда шу усулга қизиқиб қолган ва уни ўз далаларимизда амалда синаб кўрган киши сифатида дадил айтаманки, томчилатиб суғоришнинг шарофати катта. У обиҳаётни тежашдан ташқари ҳосилдорликни кескин кўтариш имконини беради. Албатта, харажатиям бор. Биз томчилатиш ускуналарининг кўп қисмини ўзимизда тайёрлашни йўлга қўйиш орқали харажатларни арзонлатишни ўйлашимиз керак".

Томчилатиб суғоришни амалда қўллаб, ноёб обиҳаётнинг ҳар қатрасини тежаётган миришкорлар ҳузуридан қайтар эканмиз, уларга балли дедик. Шу йил 22 апрелда Миллий матбуот марказида Умумжаҳон Ер куни муносабати билан ўтказилган анжуманда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг бошқарма бошлиғи ўринбосари Алломжон Фозилов бу йил мамлакатимизда мелиорация дастури бўйича 3700 гектар майдон томчилатиб суғориш усулига ўтказилишини маълум қилди. Уч минг етти юз гектар! Бу озмунча майдон эмас. Янгиликни жорий этиш туфайли тежаладиган обиҳаёт яна қанча экинзорни сувга сероб қилишини тасаввур этиб кўрайлик-чи! Агар бутун Марказий Осиёда ҳар йили шунча миқдордаги ер суғоришнинг ушбу усулига ўтказилса, яқин келажакда аҳоли сони кўпайиши туфайли сувнинг танқис бўлиб бориши билан боғлиқ келиб чиқадиган муаммоларни ҳал этиш йўли топилган бўлур эди.

Бунинг учун, албатта, асрлар мобайнида кетмон ва бел билан иш кўриб келган, ўз иш қуролининг соз бўлиши учун жон куйдирган бободеҳқоннинг бугунги фарзандларини сувдан тежаб фойдаланиш имконини берадиган янги мироблик ускуналари — қимматбаҳо елим қувурлар, ноёб томчилатгич жиҳозлар, насос агрегатларини ҳам кўз қорачиғидек асрашга ўргатмоғимиз керак бўлади. Бу жараён, шубҳасиз, деҳқоннинг онг ва тафаккурини ўзгартириш, унга камарбаста бўлиш ва ҳаётий эҳтиёжларига ҳурмат билан қараш туйғусини эъзозлаш орқали юзага чиқади.

Мурод АБДУЛЛАЕВ

ЖАЙҲУН САФАРИ

"Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" муносабати билан Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти бўйлаб "Халқ ижодиёти поезди" ташкил этилди. Халқ ижодиёти маркази директори ўринбосари Ўткир Тоҳиров бошчилик қилган гуруҳ таркибида халқаро ва республика миқёсида ўтказилган кўрик-танловлар, фестиваллар ва кўргазмалар ғолиблари қатнашдилар. Улар орасида Фарғона вилоятидан Шавкатжон Мамажонов раҳбарлигидаги "Полвон" халқ анъанавий цирк гуруҳи, Холжон Мадраимова бошчилигидаги Хўжайли туман маданият уйи "Аму ҳавоси" ашула ва рақс халқ ансамбли, Сирожиддин Маннонов бошлиқ "Сўтақўзи" миниатюра халқ театри, сурхондарёлик ёш бахши Илҳом Норов, Тошкент вилоятидан Турдиали Пардаев ва Кимёхон Қосимхонова, Паркент туман маданият уйи услубчиси Матлуба Турсунжонова, Қўқон шаҳар маданият уйи "Қўқон ёр-ёри" фолклор-этнографик халқ ансамбли, Шаҳрисабздан Ғайрат Пўлатов раҳбарлигидаги "Ёшлик" халқ киностудияси ижодкорлари ҳамда Гулистон шаҳридан Фурқат Тошматов бор.

Тошкентдан йўлга чиққан "Халқ ижодиёти поезди" дастлаб Урганч шаҳрига етиб келди. Шаҳар ўқув муассасалари ҳамда ташкилотларда ижодий учрашувлар бўлиб, вилоятнинг таниқли санъаткорлари, ёш ижрочилар ва маданият ходимлари иштирокида катта концерт дастури намойиш этилди.

Кейин қатнашчилар Хива шаҳрининг "Ичан-қалъа" обидалари ва музейларини томоша қилдилар. Шундан сўнг Хива шаҳар Қўғирчоқ театри саҳнасида катта концерт дастури намойиш этилди.

Сафарнинг учинчи куни ижодий гуруҳ Хонқа тумани марказидаги Ўзбекистон халқ ҳофизи Ҳожихон Болтаев уй-музейида бўлди. Шу куни туман Маданият ва истироҳат боғида поезд иштирокчилари ва маҳаллий санъаткорлар иштирокида концерт намойиш этилди.

"Халқ ижодиёти поезди" иштирокчиларининг Қорақалпоғистон Республикасига ташрифи Беруний туманидан бошланди. Тўрткўл туманида ҳам ёшлар ва меҳнаткашлар билан ижодий учрашувлар ўтказилди, концерт дастурлари намойиш этилди. Поезд иштирокчилари чекка қишлоқлардаги фермер хўжаликлари ва маҳаллаларда бўлдилар. Элликқалъа тумани тарихий обидаларига, атоқли санъаткор Отажон Худойшукуров ва Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф хотирасига бағишланган музейларга зиёрат уюштирилди.

Нукус шаҳридаги тадбирлар шаҳарнинг диққатга сазовор жойларини томоша қилишдан бошланди. Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети саройида талаба-ёшлар учун катта концерт берилди. Айниқса, ёш Шаҳзод полвоннинг чиқишлари томошабинларда катта таассурот қолдирди. Таниқли фолклоршунос олимлар ва шоирлар республика корхоналари, ўқув муассасаларида ижодий учрашувлар ўтказдилар. Нукус тумани ва Тахиатош шаҳрида меҳнаткашлар ҳамда талабалар билан дўстона учрашувлар, концерт дастурлари ўтказилди, айниқса, ўланчиларнинг чиқишларини томошабинлар қизғин кутиб олдилар.

Қорақалпоқ давлат университетида фолклоршунос олимлар, шоирлар ва бадиий жамоаларнинг талаба-ёшлар иштирокида ўтказилган давра мулоқоти йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Муҳаммаджон ҚОЗОҚБОЕВ

Фурқат ТОШМАТОВ олган сурат.

Суратда: "Қўқон ёр-ёри" фолклор-этнографик халқ ансамбли

ТАБИАТИМИЗ МУСАФФО БЎЛАДИ

БМТнинг Тошкентдаги ваколатхонасида Ўзбекистонда иқлим ўзгаришига мослашиш мавзусида журналистлар, эколог ва киночилар иштирокида учрашув бўлиб ўтди. Мазкур анжуман Ўзбекистон Гидрометеорология хизмати маркази ҳамда БМТ Тараққиёт дастурининг "Ўзбекистонда соф тараққиёт механизми бўйича имконият яратиш" лойиҳаси томонидан ташкил этилди.

Ваколатхона Ахборот маркази раҳбари Нигина Бойқобилова мазкур учрашув 5 июнда нишонланадиган **Бутунжаҳон атроф-муҳит куни** муносабати билан уюштирилганини айтиб, Ўзбекистон иқлим ўзгариши бўйича халқаро конвенцияларга қўшилган давлат сифатида ушбу конвенциянинг атмосфера ҳавосига чиқариладиган парникли газлар миқдорини камайтиришга доир Киото Баённомаси даъватларига катта эътибор бериб келаётганини таъкидлади. Айни чоғда, мамлакатимиз "Копенгагенга йўл" деб номланган Киото Баённомаси муддати тугаганидан сўнг амал қиладиган янги келишувларни ишлаб чиқиш жараёнида ҳам иштирок этаётир. Шу муносабат билан мамлакатимиз ўтган йил охирида бўлиб ўтган БМТнинг иқлим ўзгаришига доир Доиравий конвенцияси томонлари анжуманида иқлим ўзгариши бўйича иккинчи миллий маълумотни тақдим этди.

Она сайёра – қўриқхона

Бугунги кунда иқлим ўзгариши ва бу жараёнга мослашиш, шунингдек, глобал даражадаги иқлим ўзгариши таъсирини камайтириш чораларига доир саъй-ҳаракат ва билимлар кенг ёйилмоқда. Айни пайтда бу борада кўпгина янги атамалар ҳам истеъмолга кириб келаётир. Масалан, "соф тараққиёт механизми" ибораси моҳиятан ишлаб чиқариш корхоналарининг ҳавога озон қатламини емирувчи парникли газлар чиқармайдиган янги илғор технологияларни жорий этишини ифодалайди.

— Соф тараққиёт механизми Ижроия кенгаши томонидан шу йилнинг апрел ойида "Ўзкимёсаноат" компаниясига қарашли учта корхонада бу борада амалга ошириладиган дастлабки олти лойиҳа рўйхатга олинди, — дейди БМТнинг Тараққиёт дастури бўйича лойиҳа раҳбари Лилия Завьялова. — Лойиҳалар Япониянинг "Митсубиси корпорейшн" корпорацияси томонидан молиялаштирилиб, улар бўйича олти миллион доллар миқдорида инвестиция сармоялари жалб этилади.

Бунинг натижасида иқлимга таъсир кўрсатувчи чиқиндилар миқдори камаяди. Айни чоғда лойиҳани маблағ билан таъминлаган корпорация ҳам молиявий наф кўради. Шу ўринда "чиқиндиларнинг сертификацияланган камайиши" деган ибора ҳам истеъмолга кираётир. У корхоналарни медернизациялаш натижасида атмосфера ҳавосига "чиқарилмаган зарарли чиқиндилар" миқдорини кўзда тутади. Киото Баённомаси бўйича зиммасига мажбурият юкланган мамлакатлар ва корхоналар "чиқиндиларнинг сертификацияланган камайиши" миқдорларини сотиб олиши мумкин. Мазкур олти лойиҳа бўйича "чиқиндиларнинг сертификацияланган камайиши" миқдорлари бугунги нархлар бўйича йилига ўн миллион еврога тенгдир.

Асримиз ўрталарига бориб кўзда тутилаётган иқлим ўзгаришига мослашиш жараёнлари қандай кечиши мумкинлиги хусусида Ўзбекистон Гидрометеорология хизмати марказининг иқлим ўзгариши бўйича эксперти Татьяна Спекторман ахборот берди. Фойдали савол-жавоблар руҳидаги учрашув якунида журналистлар ва эколог олимлар эътиборига мамлакатимиз киноҳужжатчилари томонидан яратилган "Сардоба" ҳамда гидрометеорология хизмати вакиллари суратга олган "2003-йилнинг совуқ ёзи" филмлари ҳавола этилди.

Уюшманинг вилоят бўлимларида

ФАРЗАНДЛАРИНИ ЭЪЗОЗЛАГАН ЮРТ

Халқи учун сидқидилдан меҳнат қилган, унинг дардини ўз дарди деб билган кишиларни эл севади, қадрлайди. Муҳими, орадан неча йиллар ўтса-да улар миллат хотирасидан ўчмайди.

"Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" муносабати билан Қўшработ туман ҳокимлиги ва Ёзувчилар уюшмаси Самарқанд вилоят бўлими ҳамкорлигида ташкил этилган адабиёт байрами ҳам ана шундай эҳтиром намунаси бўлди.

Қўшработ педагогика коллежида шоиру ёзувчилар, олимлар, адабиёт мухлислари, вилоят ва республика оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокидаги адабий анжуман бўлди.

Қўшработ азал-азалдан ижодкорлар, зукко ва фидойи инсонлари билан ном қозонган. Шу гўша фарзанди бўлган Эргаш Жуманбулбул ўғли қолдирган мерос, у яратган бахшичилик мактаби шуҳрати ҳақида тўхталар экан, уюшманинг вилоят бўлими раиси Фармон Тошев истеъдодли ижодкор Равшан Файзнинг адабиётимизда тутган ўрни, шоир ижодининг ранг-баранг қирралари, у қолдирган адабий мерос ҳақида гапирди. Уюшма аъзолари Жумагул Сувонова, Ориф Ҳожи, Олқор Дамин, Хуршид Нуруллаев, таниқли журналистлар Абдусаид Нурбоев, Қуддус Аъзам, Эргаш Жуманбулбул ўғли жамғармаси раҳбари Абдулла Насимов, шоирнинг қизи — Зулфия номидаги давлат мукофоти совриндори Юлдуз Файз Равшан Файз ҳақидаги хотираларини сўзлаб, ўз ижод намуналаридан ўқиб бердилар.

— Равшан Файз адабиёт майдонига эндигина кириб келаётганди. Ундан катта адабий мерос қолмаган бўлса-да, биз ўқиган шеърлари унинг ноёб иқтидоридан дарак беради, — дейди профессор Шавкат Ҳасанов. — Унинг лирик қаҳрамони Қўшработ дашту далаларида, поёнсиз кенгликларида сир-синоатга тўла инсон қалбининг туғёнларидан ривоятлар сўйлаётган ровийга ўхшайди. Шоир ўз истеъдодини турлича шеърий шаклларда синаб кўрди, улардаги кутилмаган ташбеҳлар, талқиннинг халқона оҳанги, кўнгил розларининг самимий изҳори, дилкаш-у орзуманд туйғуларнинг тадрижий такомили каби белгиларда шоир поэтик услубига хос бўлган индивидуаллик кўзга ташланади.

Шу куни шоир хотирасига бағишланган футбол бўйича хотира турнири ҳам ўтказилди. Турнир ғолибларига ташкилотчиларнинг эсдалик совғалари топширилди.

— Болалигим ўтган бу дашту далалар сингари бағрикенг инсонларга бошимни эгиб таъзим қиламан, — дейди Юлдуз Файз. — Мен, ҳам дадам айтгандек, шу юртга муносиб фарзанд бўлишга интиламан:

Мендан сенга қолари — исм,
Қўйганман минг саралаб, сайлаб,
Майли, ҳамма бойлик тўпласин,
Сен исмингни яша авайлаб.

Шундан сўнг байрам иштирокчилари бахши-шоир Эргаш Жуманбулбул ўғли қабрини, уй-музейини зиёрат қилишди. Профессор Иноятулла Сувонқулов пурвиқор Оқтов ва Қоратов тоғлари оралиғида, аниқроғи, Оқтовнинг шимолий этакларида элнинг қувонч-у ғамини, орзу-умидларини куйлаган, Қўрғон достончилик мактаби вакиллари ҳақида тўхталди.

"Жозбулоқ" фолклор-этнографик жамоасининг чиқишлари, дилрабо куй-қўшиқлар даврага ўзгача шукуҳ бағишлади. Байрам тантаналари кечгача давом этди.

Ҳаким ЖЎРАЕВ,
Абдуғофур ШЕРХОЛОВ

СУРАТДА: *тадбирдан лавҳа.*

МЕҲРИМИЗ — БОЛАЛАРГА!

Бола кулса — дунё кулади, бола қувонса — олам қувонади, уларнинг шодлиги эса, юрт тинчлигидан дарак. Дарҳақиқат, фарзандларимиз қувончига тенг келадиган қувонч йўқ. Балки шунинг учун ҳам, болалик инсоннинг энг яхши даври, дея эътироф этилар.

Афсуски, мана шундай гўзал оламни фақат қалб билангина кўришга қодир кўзи ожиз болаларимизнинг ҳам борлиги юрагимизга бироз оғриқ беради. Уларнинг кўнглини шод этиш, яшашга бўлган иштиёқини ошириш ниятида Республика кўзи ожизлар марказий кутубхонаси ҳар йили 1 июн — "Болаларни ҳимоя қилиш куни"га бағишлаб турли тадбирлар ўтказиб келади.

Бу йил ҳам ана шу сана олдидан Кўзи ожизлар жамиятининг "Санъат гулшани" маданият саройида хайрия тадбири ташкил этилди. Унга кўзи ожиз болалар мактаб-интернатида таълим-тарбия олаётган қирқ беш нафар бошланғич синф ўқувчилари таклиф этилиб, улар ижросидаги она ватанимиз, дўстлик, беғубор болалик тўғрисидаги шеър ва қўшиқлар тингланди.

Шунингдек, Ўзбекистон Кўзи ожизлар жамияти ташкилий ишлар бўлими бошлиғи М.Алибеков, "Камолот" ЁИҲ(Учтепа тумани) кенгаши бўлими "Ёшлар ижтимоий хизматлар маркази" директори Н.Қодиров ва кутубхона директори Г.Бердимбетовалар кўриш қобилияти чекланган фарзандларимизни ўзгалар қатори улғайишлари, бошқалардан ўзларини кам ҳис этмасликлари учун яратилаётган шарт-шароитлар ҳақида гапириб, уларни байрам билан муборакбод этдилар.

Таниқли болалар шоирлари Миразиз Аъзам, Турсунбой Адашбоев, шоирлар Ахтамқул Карим, Дилшод Ражаб, Ойгул Суюндиқова, Гўзалбегим, Ривож Ўтар сўзга чиқиб, ўз шеърлари билан болажонларга шодлик улашди. Учтепа тумани ҳокимияти, "Интернационал Легал Гроуп" адвокатлик фирмаси, "Зебунисо она" қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхонаси ҳамда тадбиркорлар М.Қурбонов, А.Абдумаликовлар томонидан топширилган совғалар болажонлар кўнглини тоғдек кўтарди.

Н.ИСМАТУЛЛАЕВА

"ОЛТИН КАЛИТ" ҚАЕРДА?



Дилшод КАРИМОВ, ЎзМУ талабаси

Ўз жисмидан икки-уч баробар катта ва оғир юкни ортмоқлаб одимлаётган чумолини кузатганмисиз? У машаққат билан хас-чўплар оралаб, ўз уяси томон илгарилайди. Шундай пайтда чумолининг оғзидан ўлжасини олмоқчи бўлиб кўрингчи? Қумурсқа насибасини осонликча бериб қўймайди, унга ёпишиб олади.

Нима учун? У шунчалик муҳтожми? Йўқ, албатта. Бунга сабаб мана шу жонзотда ҳам яшаш учун курашиш инстинктининг мавжудлигидир. Бу хусусият ўсимлигу дарахтларга ҳам хос.

Боғимизнинг четида бир жуфт олма дарахти орасидан терак униб чиққанди.

Мулоҳаза учун мавзу

Олма дарахтлари соясида нимжон, қуёш тафтидан бебаҳра ўсаётган ниҳолга ҳар гал кўзим тушганда, уни очиқроқ жойга кўчириб ўтқазиш керак, деб ўйлардим. Аммо бунга қунт қилмадим. Шу орада шаҳарга ўқишга келдим.

Бир гал қишлоққа борганимда боғни айланиб юриб, ўша теракка кўзим тушди. Ажабо! Нимжон ниҳол чирмашиб кетган олма дарахтларининг шохлари орасидан ёриб ўтиб, кўкка бўй чўзибди. Яшаш иштиёқи, барибир, ғолиб келибди-да!

Табиатдаги яшаш учун курашдек азалий ва барқарор жараён беихтиёр замондошларимизнинг интилиш-изланишлари, ўй-хаёллари, маънавий-ахлоқий идеаллари ҳақида фикр юритишга туртки беради.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, эркин фуқаролик жамияти, ҳуқуқий демократик давлат қуришни олдимизга бош мақсад қилиб қўйдик. Хусусий мулкка муносабат тубдан ўзгарди, тадбиркорларга, ишбилармонларга кенг имкониятлар яратилди. Давлатимиз уларни ўтиш даврининг бош ислоҳотчиси сифатида ҳимоя қилиб турибди. Қишлоқ хўжалигида фермерлик ҳаракати юзага келди, деҳқон ер эгаси бўлди. Юртбошимизнинг таклифига биноан 2008 йилнинг "Ёшлар йили" деб эълон қилиниши муносабати билан навқирон авлодга ўқишда, меҳнатда, ижодий изланишларда иқтидорини намоён этиши учун барча имкониятлар яратилди, имтиёзлар берилди.

Кўз ўнгимизда содир бўлаётган бу ўзгаришларни эътироф этаётганимизнинг боиси бор, албатта. Биз бозор иқтисодиёти шароитида, дунёда турли инқирозлар юз бераётган бир пайтда яшамоқдамиз. Бундай паллада ҳар кимнинг ўз ҳаракати, интилиши, тадбиркорлиги, бошқаларга нисбатан узоқроқни кўра олиши ғоят муҳим. Соддароқ айтганда, яхши яшашни орзу қилган киши мақсадига эришишнинг ягона олтин калити ўзининг қўлида эканлигини билиши, тушуниши керак бўлади. Зеро, ҳеч ким биз учун бирор-бир муаммони бошқа бир жойдан келиб ҳал қилиб бермайди. Ҳаракат қилган, изланган киши, албатта, мақсадига эришади. Бозор иқтисодиёти даврининг қонуни шундай.

Афсуски, бу оддий ҳақиқатни ҳануз идрок этолмаётганлар талай. Катта ёшдагилар орасида ҳам, ёшларда ҳам ўтиш даври қийинчиликларини рўкач қилиб, турмушдан нолийдиганлар йўқ эмас. Мана, бир мисол.

Бир фермер уч-тўрт йил мобайнида ўзи белгилаган режани бажармай келди, бепарво бўлиб ернинг умрини шамолга совурди. Даромад ололмаган деҳқонлар эса, ундан ранжишди. Ўтган йили унинг ери бошқа бир фермерга олиб берилди. Ернинг янги эгалари ишбилармон кишилар экан, йил охирида бинойидай хирмон кўтаришди. Бундан ҳамма манфаатдор бўлди. Аммо... собиқ фермер ўз хатоларини тушунмай, шикоятбозликка ўтгани кишини ажаблантиради.

Бундай ҳолатни бошқа соҳаларда ҳам кўришимиз мумкин. Кейинги йилларда аҳоли турмуш даражасининг сезиларли даражада ўсганига, ҳаётимизнинг барча соҳаларида сифат ўзгаришлари юз бераётганига гувоҳмиз. Бу ютуқлар осонликча бўлаётгани йўқ, албатта. Булар юртдошларимизнинг ҳузур-ҳаловатдан кечиб, қилаётган тинимсиз меҳнати, давлатимиз раҳбари ибораси билан айтганда, келажак авлодларга озод ва обод Ватан қолдиришга чин дилдан интилаётгани натижасидир. Шундай бўлса-да, яратилаётган имкониятлардан, қонунларимизда кўзда тутилган имтиёзлардан фойдаланиш, бирор-бир касбнинг этагидан тутиш, ҳунар ўрганиш ўрнига вақтни беҳуда ўтказиб, "яшаш қийин бўлиб кетди", дея зорланаётган кишиларга ачиниб кетасан, аммо бундан ҳеч бир наф йўқ.

— Мен оддий сартарошман, — дейди Нодир ака. — Шу ҳунар орқасидан рўзғор тебратиб келаман. Ҳар куни эрталабдан мўъжаз "кошонам"га яхши кайфиятда отланаман. Одамларга фойдам тегаётганидан қувонаман, мижозларнинг кўнглини топишга ҳаракат қиламан. Ҳаракатда — баракат.

— Ўқишдан бўш вақтимда бироз ишлайман, кўп бўлмаса-да, даромад топаман, ота-онамга ёрдамлашаман, — дейди ЎзМУ талабаси Шерзод Боллиев. — Меҳнат қилиб, пул топишнинг уят жойи йўқ.

Ушбу мулоҳазаларимиз билан кимнидир танқид қилиш ёки ранжитиш фикридан йироқмиз. Зеро, ўзим англаган ва бошқа тенгдошларимга ҳам айтадиган гапим шуки, аллома шоиримиз Ғафур Ғулом ёзганидек, "Тақдирни қўл билан яратур одам, Ғойибдан келажак бахт бир афсона...".

Мана, беш йилдирки, таҳририятимиз қошида "Маҳорат мактаби" машғулотлари давом этмоқда. Машғулотлар давомида талабаларнинг журналистлик касбига доир амалий кўникмаларини мустаҳкамлаш, ижодий изланишларини рағбатлантиришга ҳаракат қилинаётир. Ўтган йиллар мобайнида "Маҳорат мактаби"да сабоқ олган элликдан зиёд ёш ҳамкасбларимиз ҳозирда марказий нашрларда, вилоят газеталари таҳририятларида ишлашмоқда.

Ёш журналистларнинг малакасини ошириш ҳамиша муҳим вазифа бўлиб келган. "Маҳорат мактаби"нинг мақсади ҳам ёш қаламкашларда назарий билимларни бойитиш, газетанинг ҳар бир сонини тайёрлаш билан боғлиқ ижодий жараёнда уларнинг фаол иштирокини таъминлаб, таҳрир санъати, муаллифлар билан ишлаш кўникмасини шакллантиришдан иборат.

Мазкур саҳифада илк ижодий изланишлари, кичик тадқиқотлари билан иштирок этаётган бир гуруҳ талабалар мактабимизнинг бу йилги битирувчилари. Ярим йиллик сабоқ мобайнида улар ўзлаштирган билим ва тажрибалари, умид қиламизки, мазкур саҳифада имкон қадар намоён бўлган.

Таҳририят

КЎЗАДАГИ СУТ

Бир ривоятда айтилишича, шоҳ мармар ҳовуз қурдириб, раиятга: "Ҳар киши эрталаб бир кўза сут олиб келиб ҳовузга тўксин", дея амр қилибди. Раият аҳлидан бири амрни тинглаб, шунча одамнинг ичида биргина мен сув олиб бориб тўксам билинмас, сутни исроф қилмоққа не ҳожат, уни ўзим ичиб роҳатланганим афзал-ку, дея ўйлабди. Эрталаб кўзада сув кўтариб борса, бошқалар ҳам кўзаларида сув кўтариб келганмиш. Ажабки, ўша куни ҳовузга бир томчи ҳам сут тушмабди...

Бу ривоятга изоҳни кейинроққа қолдириб, мақсадга ўтамиз.

Севимли шоирамиз Зулфиянинг шундай сатрлари бор:

Мен ўтган умримга ачинмай қўйдим,
Ҳеч кимда кўрмайин умримга ўхшаш.
Суйдим, эркаландим, айрилдим, куйдим,
Иззат нима билдим, шу-да бир яшаш!

Инсонда бой берилган умрга, ўтган вақтга ачинмаслик туйғуси қачон пайдо бўлади? Қачонки, унинг қалби изтироблардан пишган бўлса. Шоира эса, ҳаётнинг ўзи синовлардан иборат, тўсиқларни енгиб ўтиш орқали инсон юксалиб боради, деган фикрни илгари сурган. Зулфия ўз умри мисолида мушоҳада юритиб, бошқаларга ҳам бу мураккаб ҳаёт йўлида бардош, омонлик тилайди.



Шоҳсанам ХИДИРОВА, ЎзМУ талабаси

Илк мисралар замирида икки хил талқин бор: биринчиси, шоиранинг руҳий ҳолати билан боғлиқ шаҳд. Иккинчиси эса, ўша шаҳд замирига яширинган етакчи маъно. Яъни инсон шундай яшаши керакки, токи ўтган умрига ачинмасин. Зеро, буюк адиб Толстой айтганидек, ҳаёт маънисиз яшаганлар учун маънисиздир.

Иккинчи мисрадаги "Ҳеч кимда кўрмайин умримга ўхшаш" сатри шоира "мен"ининг акси. Айнан шундай қатъият билан ижодкор шахси майдонга чиқади. У гўё, менинг умрим изтиробларга тўла ўтди, ҳеч бир умр меникига ўхшамасин, деяётгандек. Шу билан бирга, бир қадар маъюс оҳанг кейинги мисраларда кўтаринки кайфият, ўзига ишонч, қониқиш туйғулари билан алмашади.

Суйдим, эркаландим, айрилдим, куйдим,
Иззат нима билдим, шу-да бир яшаш!

Ушбу мисраларда қалбга чекинишни кўрамиз. Шеърнинг асосий ғоясини, аслида, шу мисралар намоён қилади. Бунда ҳаёт ҳақидаги фалсафа ёрқин акс этган.

"**Дунёга келиш**", "**яшаш**", "**кетиш**" — булар маълум ҳақиқатлар. "**Суймоқ**", "**айрилмоқ**" ҳам азалий кураш... Назаримизда, **суймоқ-айрилмоқ** дунёга **келиш-яшаш-кетиш** тушунчалари билан уйғунлашиб, умр яхлитлигини ташкил этади. Бир инсон ҳаёти учун зарур бўлган нуқталар шу ерда мужассамлашади. Шоиранинг иқрори ҳам буни тасдиқлайди: "Шу-да бир яшаш!".

Дарҳақиқат, инсон яшашда давом этар экан, у ўзига берилган умр моҳиятини, маъносини яшаб ўтган жараён билан боғлайди. Демак, шу ўринда юқорида келтирилган ривоят мазмунини шеър талқини билан уйғунлаштириб, муайян хулосага келиш мумкин. Агар ҳовузни, таъбир жоиз бўлса, жамиятнинг қозони деб тасаввур қилсак, унда ҳар биримизнинг насибамиз, ҳиссамиз бор. Зотан, ҳар бир шахснинг улуши миқдор ёки ҳажм билан эмас, жамиятда тутган мавқеи, қилган эзгу ишлари билан белгиланишини унутмаслигимиз лозим.

Демоқчимизки, ҳаётимиз мазмуни, умр гўзаллиги, яшашнинг бардавомлиги биз "ҳовуз"га қуяётган "кўзадаги сут" билан ўлчанади!

Мутолаа

"ОРЗУМДАГИ ДУНЁ, АЖОЙИБ РЎЁ..."



Севара АЗИМОВА, ЎзМУ талабаси

Кўнгил туб-тубидан сизиб чиққан шеър ўқувчи қалбига ҳам шундай мўъжизакор тарзда сингади. Мисраларда акс этаётган воқеликдан туйилган ҳис эса, қалбларга эзгу туйғулар улашади. Бетакрор истеъдод соҳиби Александр Блок шеърларини ўқирканман, хаёлимдан шу фикрлар ўтди.

Ҳаёт йўлларида кўп дуч келадиган ҳақиқатлар қалбимизнинг бир четида омонат яшаётган ишончнинг туғёнлари, аслида. Ана шу ишонч ҳис-туйғуларимизни эшитишга, уларнинг ҳаққонийлигига имон келтиришга ундайди. Ҳаётга қарашимиз шу ишонч ҳиссига таянади. Шоир бу буюк ишончни мисраларга муҳрларкан, ўз дунёсидан ташқари яна бир гўзал, рангин олам борлигини кашф этади.

Мен эркинлик истадим, эркли
Ҳаёт сари интилдим, бордим.
Ҳолбуки, энг бахтли, энг бахтли
Юлдузларни ичиб юбордим!

Киши ҳамиша ҳаётнинг асл мақсади ва мазмунига, туғроғи, бахтга интилади. Гўё у интилаётган манзил икки кўча нарида-ю, сал югурса етиб оладигандек. Аслида-чи? Аслида, бахт деганимиз ҳар доим ҳам йўлимизга пешвоз чиқиб кутиб олавермайди. Балки ўша икки кўчалик масофани босиб ўтишга кетган умримизнинг ўзи бахтдир. Аммо буни англаганимизда умримизнинг талай қисмини вақт шамоллари учириб кетган, биз учун атай порлаган бахт юлдузларининг аксарияти сўна бошлаган бўлади. Шунинг учун юлдузларга нарвон қўя билган ёшлик даврини умрнинг олтин саҳифасига нақшлаб, Блок айтгандек, ҳаётга қалб кўзи билан қарашимиз керак...

Ҳақиқатда ҳам, инсоннинг ўз-ўзини англай олиши ноёб фазилатдир. Назаримда, инсон руҳи ва вужуди бир бутунликка эришсагина, у ўз қобиғини ёриб чиқади ва ўзидаги улкан бўшлиқни аввал ўйлаган, аммо тушунмаган ("Буни қара-я, илгари ҳеч ўйлаб кўрмаган эканман", дея иқрор бўлиб қўя қолган) мисралар билан тўлдиради.

Даҳшатли оламни севдим мен, гўё
Ортидан кўринар чин заргар дунё —
Орзумдаги дунё, ажойиб рўё,
Энг оддий дунё бу, сеҳргар дунё.
Агар ўрмас бўлсанг, экмас бўлсанг ё,
Билгинки, аталдинг — "шунчаки одам".
Қўлингдан келарми бу телба дунё
Ҳорлик-зорлигига бермоқлик барҳам?

дея шоир лирик қаҳрамонини унинг орзуларига бешик бўлган дунё билан юзлаштиришга, мисралар қатида унинг кўнглидаги барча тугунларни рўй-рост кўрсатишга интилади.

Инсон қаршисида ҳамиша уч иллат рўбару туради. Булар: оқилликка раҳна солувчи нодонлик; иштиёққа зид лоқайдлик; адолатни севишга монелик қилувчи кўрқоқлик. Блокнинг қаҳрамони ана шу иллатларга қарши тинимсиз курашади, андиша қилмай, юрагидаги оғриқларини тўкиб-солади. Аммо... Дунёни ҳарчанд ўзгартиришга уринмайлик, у барибир ўзи ёд олган эски қўшиғидан воз кечмайди. Чунки азал-абад қонун шундай. Лекин Блок ўша қўшиқ ўрнига ундан завқлироқ, сўзи ва оҳанги тирик, чин юракдан айтилувчи қўшиқлар туҳфа этади. Унинг қўшиқлари одамзодни ҳамиша уйғоқ қалб билан яшашга, тириклик мазмунини тўлалигича англашга чорлайди. Эҳтимол, шунинг учундир, Блокнинг ҳаётга муҳаббати бошқаларга ҳам тез юқади.



Шаҳноза ХЎЖАНОВА, Тошкент давлат педагогика университети талабаси

ГАП НИМАНИ ЁЗИШДА ЭМАС...

Адабиётнинг қуроли — сўз, бадиий тадқиқ объекти эса инсон. Шу боис, ҳикоянинг бош нуқтасида инсон образи туради. Ардоқли адиб Ғафур Ғулом бу ҳақда шундай деганди: "Ёшларда, ҳатто катталарда ҳам шундай камчилик борки, улар ўз ҳикояларида ҳаёт ҳақидаги бирор янгиликни оладилар-да, уни қуруқ баён қилиш билан банд бўлиб, одамни бутунлай эсдан чиқариб юборадилар. Ваҳоланки, янгиликни одам яратади ва у одам учун яратилади".

Замонавий насрда кўпроқ инсон шахсига, унинг ички олами, руҳияти, дунёқараши, тафаккурини янгича услубда талқин этишга эътибор кучайди. Айни шу йўналишдаги ижодий изланишлар китобхонлардан бадиият ҳақида теран тасаввурга эга бўлишни, жаҳон адабиётида бўй кўрсатаётган янгиликлардан хабардор бўлишни, талаб этади. Зотан, "Буюк китобхонлар пайдо бўлгандагина буюк адабиёт яратилади" (Б.Пастернак).

Ҳаёт ҳақиқатини янги усулда, айни пайтда, оддий китобхонга ҳам тушунарли тарзда бадиий ҳақиқатга айлантираётган ёзувчилар қаторида Хуршид Дўстмуҳаммаднинг ҳикоялари ҳам эътиборни тортади. Унинг ҳикояларида ўзаро туташ тақдирлар ҳаёти, қадр-қиммати оёқости бўлган сиймолар қисмати ("Қадр"), аёллик шарму ҳаёси ўйинчоқ қилинган покдамон аёл ноласи ("Маҳзуна"), кўнгилчанлик қилиб, сўнг мадад ахтарган инсон тимсоли ("Этакдаги уй"), беозор қушнинг қарғиши остида ҳаёти чилпарчин бўлган қиз кечмиши ("Беозор қушнинг қарғиши") каби бир-бирига ўхшамаган турфа қиёфаларнинг ўзига хос тасвирларини кўришимиз мумкин.

Адибнинг "Этакдаги уй" ҳикояси шундай жумла билан бошланади: "Андиша ва кўнгилчанлик қилиб бировнинг илтимосини рад этолмай, кейин панд емайсизми?..". Ёзувчи бутун бир ҳикоя мазмунини мана шу икки қатор жумлага жамлаган. Бек кўнгилчан йигит. Шу боис, опасининг илтимосига "йўқ" деёлмай, ота-боболари яшаган уйга ижарачи қўяди. Ҳаммаси кейин — отаонаси тушига кириб, ундан норози ҳолда эшик остонасида уйга киролмай турганидан бошланади. Ёзувчи бош қаҳрамон Бекни айбламайди. Кўнгилчанлик эса унинг характерига хос хусусият. Ижарачиларни чиқариб юборган Бек кейин ҳам хотиржам яшолмайди. Хотини, болалари, опаси унинг нега бундай қилганлигини тушунишмайди. Ҳамма гап мана шунда.

"Бек ўғлига, қизларига, хотинига бирма-бир тикилди. Оиланинг бошлиғи, маслаҳатгўйи бўла туриб уларнинг олдида ўз ожизлигини шу қадар очиқ-ойдин намойиш қилиб қўйганидан таъби хираланди, тўсатдан қўл-оёғи бўшашди." Ота-боболар яшаган маскан нечоғли муқаддас эканини, улардан қолган ҳар бир ёдгорлик ардоқланиши кераклиги ва уларни асрab-авайлаш, ҳимоя қилиш зарурлигини ҳикояни ўқиган китобхон тушунади. Назаримизда, ёзувчининг бу ҳикояда кўзда тутган мақсади ҳам шу.

Онанинг меҳрини ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмаслиги, унинг руҳий кечинмаларини тушуниш лозимлиги ёзувчининг "Васий" номли ҳикоясида ўз ифодасини топган. Фарзанди бўлишини хоҳлаётган аёлнинг ёстиқни чақалоқ қилиб, оппоқ дастурхонга йўргаклаб, тиззалари билан тебратиши, жонсиз матоҳи кўксига босиб, алла айтиши, чақалоғини ўзгалар олиб кетишидан қўрқиб, кўрпа орасига яширгани...

Ёзувчи аёлнинг фарзанд дардида не кўйларга тушишини китобхонга тўғридан-тўғри айтиб ўтирмайди. Буни китобхон аста-секин воқеалар ривожи давомида тушуниб олади.

Дарҳақиқат, қаҳрамон ва китобхон қалбининг ошнолиги, гоҳо юзимизда кўринган табассум, гоҳо эса китоб саҳифаларини намлаган кўз ёшларимиз фақат бир нарсанинг — сўзнинг сеҳри, адабиёт қудрати ва ёзувчининг маҳоратидандир.

Гап нимани ёзишда эмас, ўша "нима"ни қандай ёзишда, деган маълум ва машҳур иборани ижоднинг олтин қоидаси, дейиш мумкин. Ёзувчининг маҳорати ўша "нима" замиридаги сирли нарсаларни китобхонга таъсирчан ва ишонарли тарзда етказиб беришдадир.

ЭНГ ЧИРОЙЛИ "ИМЗО"

Ҳадия АБДУЛЛАЕВА, ЎзМУ талабаси

Вақтим тиғизлиги боис таксига ўтиришимга тўғри келди. Йўл-йўлакай ҳайдовчи амаки гап қотди: "Қизим, хафа бўлманг-у, мен бугуни ёшларни ҳеч тушунолмайман. Улар эртани ўйламайди, фақат бугуни билан яшайди. Одам ўзининг ҳаётига ҳам шунчалик бефарқ бўладими?". Мен кулиб, барча замонларда ёши улуғларнинг ёшлардан кўнгиллари тўлмаганини айтиб, ўзимча вазиятдан чиққан бўлдим. Аммо, барибир, ичичимдан ҳайдовчи амакининг эътирозига қўшилдим.

Устозларимиздан бири дарс орасида бизга "маъносиз юзлар", дея танбеҳ берар, биз эса хандон отиб кулардик. Ўша пайтда бу жумла ғалати туюлгандир-да. Энди ўйлаб қарасам...

Яқинда курсдошлар билан умр мазмуни ҳақида суҳбатлашиб қолдик. Ҳамма ўз "йўқотганлари ва топганлари"дан гап очди. Суҳбат асносида ҳали кўпчилигимиз олдимизга аниқ бир мақсад қўймаганимиз, "Бугун ўтсинчи, эрта бир гап бўлар", деган ўй билан юрганимиз аён бўлиб қолди. Қизиқ, балки биз ёшлар ғойибдан келадиган омадни, бахтни кутаётгандирмиз?..

Келинг, шу ўринда бефарқ одам сийратини тасаввур қилиб кўришга уринайлик. Ўзимизга таниш, билиш кишиларни бирма-бир ёдга олайлик. Дастлаб, ҳар қандай ҳолатда ҳам вазиятга ўз баҳосини бериб, ўзининг фикрини билдира оладиган таниш-ларимизни эслайлик. Кейин, аксинча, доимо бировларнинг йўл-йўриғи бўйича яшайдиган, ҳаётга бошқаларнинг кўзи билан қарашга одатланган таниш-ларни эслайлик. Бу икки тоифа вакилларини қиёслаб фикр юритсак, қандай хулосага эга бўламиз? Биринчи тоифага мансуб кишиларнинг фикри тиниқ, мақсади аниқлигини кўзларидаги ёлқиндан, ҳаракатларидаги шиддатдан пайқаса бўлади. Иккинчи тоифага мансублар эса, дуч келган "қолип"дан фойдаланишади. Уларни исталган ўзанга буриб юбориш унчалик мушкул эмас. Юзларидаги маъносизлик, кўзларидаги ҳафсаласизлик кишини зериктириб юборади. Ҳамиша бирор ғояни илгари сураётган, ўз иродасига ишонган, завқи баланд кишилардан тириклик нафаси, ҳаёт иштиёқи уфуриб туради... Балки сиз менинг фикримга қўшилмассиз. Агар шундай бўлса, демак, сиз ўз дунёқарашингизга эга одамсиз. Умр йўлларида учрайдиган шунчаки "соя"лардан эмассиз.

Тарихий манбаларга кўра, қадимда сотқинлар, аксарият ҳолларда, бетараф кимсалар орасидан чиққан экан. Ҳатто ҳукмдорлар ҳам бирон мамлакатга ҳужум қилишдан аввал ўша юртнинг маънан заиф кимсаларини топишни буюришаркан. Чунки қалбида жўшқинлик, ёруғ туйғу бўлмаган кишини бўйинсундириш осон бўлган.

Демак, бефарқлик ҳисси вуга йўл топа олган. Ҳар қандай ғаразлардан холи инсоннинг тасодифан нотўғри йўлга кириб қолиши ва тез фурсатда бегона олам таъсирига тушиб қолишини актёр ўз ижросида ишонарли тарзда кўрсатиб беролган. Актёрлар Бахтиёр Қосимов ва Босит Раҳматовлар яратган образлар ҳам томошабинни бефарқ қолдирмайди.

Филмнинг сўнгги картинасида қаҳрамон қамоқхонада ўтириб болалигини — йўлга кетишаётгандаги отаси билан бўлган суҳбатни эслайди. Бола дадасидан уйларига қайси йўлдан боришларини сўраганида, ота унга шундай жавоб қайтаради: "Уйга, ҳар қанча узоқ бўлмасин, тўғри йўлдан борамиз, болам, доим ўнгдан юргин".

Бу жавоб ҳар бир отанинг фарзандига кўрсатадиган тўғри йўлидир.

Воқеалар ривожида баъзи кадрларнинг бир-бирига ноанъанавий тарзда уланиб кетиши томошабинларда филмга қизиқишнинг янада ортишига олиб келади. Филмда баъзи камчиликлар ҳам учрайди, аммо ижодкорларнинг юксак маҳорати ва машаққатли меҳнатлари олдида улар жуда ҳам муҳим эмас.

БАДИИЙ ТИЛНИНГ ШИРАСИ

Моҳигул АБДУЛЛАЕВА, ЎзМУ талабаси

Одатда, эртак, достон ёхуд роман ўқиганимизда, асосан, воқеаларга, асар мазмунига диққатимизни қаратамиз. Бадиий асардан тўла-тўкис баҳра олиш учун эса, бунинг ўзи етарли эмас экан. "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетасида (2008 йил 51-52-сонлар) эълон қилинган "Бадиий наср тили ва давр" номли давра суҳбатини ўқиб шундай хулосага келдим. Чунки бадиий асар нафақат кутилмаган воқеалари, теран мазмуни, балки шакли, тили, ҳатто тиниш белгилари билан ҳам жозибали, ўқишли бўларкан.

Енгил-елпи, салмоқсиз сўз, иборалар билан асар яратиб бўлмаслиги давра суҳбатида алоҳида таъкидланган. Жумладан, филология фанлари доктори Баҳодир Карим шундай дейди: "Тўғрисини айтайин: бугунги аксар насрий асарлар тили кўпсўзли, ҳиссий ширасиз бадиийтдан, образли ифодадан йироқ. Кундалик газеталарда мухбирлар ёзаётган хабарлар тилидан кўпам фарқ қилмайди".

Газета ва журналларни варақлаганимизда ҳам баъзан оддий мақола тилидан фарқ қилмайдиган "ҳикоя"ларни кўрамиз. Айрим асарларда "деди", "деб", "дея", "деган" каби феъл шаклари қаторлашиб келаверади. Бундай тили ишланмаган асарни ўқиш китобхоннинг ғашига тегиши тайин. Мана, шундай асарларнинг биридан олинган мисол: "Ҳечкиси йўқ, буларни бериш ҳам савоб саналади, — деди Ҳамдам бобо"; "— Бува, Ибройим отам чиқдилар, сизни кўрғани, — дея қўшни қарияндан илгари ичкари отилди..."; "— Барака топ, болам. Бувангларга қараб турибсан, уларга чой дамлаб берибсан, — дея хурсанд бўлди онаси". Муаллиф нуқул ким нима деганини уқтиравермай, бунинг ўрнига қаҳрамоннинг ўша вазиятдаги ҳолатини тасвирласа, асарнинг китобхонга таъсири кучлироқ бўларди, назаримизда.

Наср учун нафақат тил, балки услуб, маъно ва мазмун, ҳатто тиниш белгиларининг ҳам аҳамияти муҳимлигини устоз адиблар асарларини ўқиганда билиб оламиз. Абдулла Қаҳҳорнинг "Ўтмишдан эркаклар" асаридаги қуйидаги жумлаларга эътибор қилайлик: "— Унда қандоқ бўлади?.. Унда саксонта ўроқни қачон оламану қачон сотаман...". Жумла якунидаги уч нуқта қаҳрамоннинг ҳолати, кайфиятига аниқ ишора бераётир. Ёки Чингиз Айтматовнинг "Сарвиқомат дилбарим" қиссасидаги: "— Ҳа, сени!.." жумласидаги нуқталар дўк-пўписани аниқ англатиб турибди.

Давра суҳбатида адабиётшунос Ғулом Карим: "Ҳозирги пайтда шева ва фолклордаги сўз бойликларидан ҳам бадиий наср тилида фойдаланиш кучайди ва бу ижобий ҳодисадир", дея ёзувчи Мурод Мансурнинг "Жудолик диёри" романидан бир қанча халқона ўхшатиш ва ташбеҳларни мисол келтириб фикрини далиллаган. Демак, бизга жозибали туюлган, қайта-қайта ўқишга иштиёқ уйготган асарлар сири халқона ибораларга бойлигидадир. Баландпарвоз гаплар, аксинча, асар тилини мураккаблаштириб, фикр-мазмуннинг китобхонга етиб боришини қийинлаштиради. Шунинг учун мақол, маталлар, бадиий санъатлару тасвирий воситалар қўлланилса, ижодкорнинг бадиий ниятини англашимизни осонлаштиради.

Ушбу саҳифа Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан ажратилган грант асосида тайёрланди. Лойиҳа номи: «Истеъдодли ижодкор ёшлар маҳоратини ошириш, ОАВ учун малакали кадрлар етказиб бериш орқали уларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ва маданий-маърифий ҳаётидаги иштирокини янада фаоллаштириш».

Премера

"ТУЗОҚ"

Фозил ЖАББОРОВ, ЎзМУ талабаси

Катта экранларда намойиш этилган "Тузоқ" бадиий филми "Ўзбеккино" Миллий агентлиги буюртмасига кўра Тоҳир Шомуродов сценарийси асосида режиссёр Баҳриддин Айназаров томонидан "5-студия" ёшлар ижодий уюшмасида суратга олинган. Унда замондошларимиз онгидаги маънавий бўшлиқ, эътиқодий иккиланишлар қандай нохуш оқибатларга олиб келиши ғаразли кимсалар тузоғига тушиб қолган шахс тақдири орқали очиб берилади.

Осуда ҳаёт кечираётган Комилжон Ислом динини ниқоб қилиб олган "Ҳизб-ут таҳрир" оқими вакиллари сафига қўшилиб қолади ва...

Ҳаёт доим ҳам бир маромда кетавермайди. Тақдирнинг синовлари бизни ҳар қадамда қаршилайверади. Қисмат ўйинларига бардош беролмаслик ишонувчан Комилни охир-оқибат қинғир йўлдан борувчи мунофиқ кимсаларнинг даврасига олиб киради.

"Жиҳод" йўлида ҳатто оиламдан ҳам воз кечаман, дея ичган қасами уни ҳаётнинг янада хилват жойларига бошлайди. Отасидан (ота ролини актёр Тухтамурод Азизов ижро этган) ажралса-да, у барибир аҳдидан қайтмайди. Чунки у ўзича қасамга хиёнат қилмаслигим керак, деб ўйлайди. Филмнинг ёшларга ўрнак бўладиган томонлари талайгина. Бу филм ижодкорлари кўзлаган мақсаднинг асосий дебочасидир.

"Сардор" видеофилми орқали бизга таниш бўлиб қолган Улуғбек Юнусов ва Нигора Каримбоева филмда ажойиб жуфтлик яратишган. Улуғбек Юнусов "Тузоқ" да бош қаҳрамоннинг деярли барча қирраларига

Турсун АЛИ

Қарашларинг тўлқинида шивирлар сабо



Шеър ёзаман
юрагим туғён урган пайт,
гоҳ кун қораяди,
гоҳ оқарар тун.
Юксак-юксаклардан шивирлаб сармаст,
юлдузлар ёғилар
сатримга беун.

Шеър ёзаман
хотирам туғён урган дам,
йўлдошим бўлади
қўкда Қуёш, Ой.
Сўзим юракларда қолса агар —
бахт,
тарк этмас қалбимни
Бепоён чирой.

Шеър ёзаман
борлиғим туғён урган вақт,
овозим турфа хил
рангларга тўла.
Малаклар васлидан ваъда этар аҳд,
қисматим қаъридан
Мангулик бўйлар.

СЎЗ ДЕНГИЗИ

Қиш.
Дўрмон.
Туманзор қўйнида кезаман.
О, қаршимда,
Шукур Холмирзанинг дала ҳовлиси,
гўёки,
поёнсиз денгизда юзаётган қайиққа ўхшар.
Толғин эшкак эшаётир Шукур Холмирза.
Чекаётган сигарети
ёнади юрак каби.
Бошида чайласи — шляпа,
мисоли наср тожи.

Шукур Холмирзанинг дала ҳовлиси,
гўёки,
поёнсиз денгизда юзаётган қайиққа ўхшар.
Ҳорғин эшкак эшаётир Шукур Холмирза.
Сўз тўлқинларининг камалакдек рангин
ёллари
оловдай ёнади,
шуъласи ёритар қўлларин,
юзларин,
вужудин.
Сўз тўлқинлари
эркалайди уни паризод янглиғ.
Сўз тўлқинлари узра
эшкак эшади адиб.
У қоядек тик юзадир ўзи бунёд этган
Сўз денгизида.
У юзадир,
қадимий дунёга сола қасирга.

Саросар туманлар оғушида кезаман.
Тоғдек кўринади,
Шукур Холмирзанинг яратган қасри.
Кетган адибнинг зийрак кўзлари,
Абадият қаридан жаранглар сўзлари —
Орзудаги ҳикоялари улкан лашкари.

Дўрмон.
Елвагай туманлар ичра кезаман сархуш.
Чўққи мисол кўринур
Шукур Холмирзанинг дала ҳовлиси.
Худди поёнсиз сўз денгизида
юзаётган қайиққа ўхшар.
Эшкак эшаётир Шукур Холмирза.

Дўрмон...

РАССОМ УСТАХОНАСИ

Қандай ранглар бу, қандай оҳанглар!
Уолт Уитмен.
Ола-ғовур шаҳар...
Сервиқор кошона чўнг қаватида,
ажаб дунё — Рассом устахонаси.
Димиққан хонада рангларнинг иси
аччиқ изтироблар бахш этар руҳга.
Дардчил туйғуларга чўмилар вужуд,
Эҳтирос уммонида қалқийди дилим.
Хонада қалашган суврат — тасвирлар,
гўё неларнидир бетин шивирлар.
О, қандай ранглар бу,
қандай оҳанглар:
юз-кўзига қора чапланган қуёш,
қўксига доғ тушган ой,
ишвакор юлдузлар,
сийналари очиқ — ғира яланғоч аёл,
жулдурвоқи кийинган бола,
девдай одам пойида
эзғиланган лола,
тилин ямлар қонсираган шер.
Деворда синган най осиғлиқ,
ярадор қуш талпинар қўкка.
Кўзига мунг тўлган тиланчи,
оломонга боқар тиз чўка...
О, қандай ранглар бу,
қандай оҳанглар:
вужудим ёндирар Рассом устахонаси.
Бунда дарё каби шарқирайди ҳаёт.
Энди,
қаён қочиб кетолгайман мен
кўзим диёрига чўккан ранглардан?

Ногаҳон қизғандим кўзим дунёдан...

НОТАНИШ ҚИСМАТ

Ҳувиллаган бекат.
Йўл чеккасида
Уни учратдим мен,
ёлғиз, хаёлчан.
Чақмоқлар чақнади қалбим қасрида,
вужудим қамради
ҳузун, ҳаяжон.

Тўхтатдим автони.
Уни имладим,
бесўз боравердик,
йўл эса узун.
Ойнадан узилмас қайноқ нигоҳим,
нечун,
Унинг чўлпон кўзлари маҳзун?

Нечун,
сўлғин гулдир сутдай юзлари,
булут ортидаги ойдек нигоҳи?
Ё фалак,
бутунми унинг сўзлари,
ёхуд юрагига чирмашган оҳи?..

Бағримни қуйдирар ўтлиғ саволлар,
ва азоб жарига
ирғитар қийноқ.
Қора дунёларга бошлар хаёллар.
У, шундоқ ёнимда,
унсизман, бироқ...

Дарёдай шаҳарнинг асов қўйнида,
автодан тушди-ку,
сўзсиз, беозор.
О, қаён кетди У,
ҳаёт ўйнида
қалбимни қақшатиб — қисматига зор?!.

Неларни тарк этди ўша кун Аёл?..

НУРОНИЙ ДУНЁ ЛАВҲАЛАРИ

1
Қора қисмат кошонаси —
қариган чорбоғ,
булутли осмон мағзида қадим
сирлар бор.
Дунё — қариб кетган дунё,
ўйлаганим чоғ,
мотамзада бир қулбада
кўришдик дийдор...

2
Борлиққа дил чўчиб боқди,
қамашди кўзим,
кекса дунё, қадим боғда
қўшиқ элар қор.
Оғочлар энди қаламдир,
учқунлар сўзи,
қарашларинг тўлқинида
шивирлар сабо.

3
Кўп ўзимни ёлғиз сездим.
Топмадим жавоб —
изғирин, сукунат, жимлик...
Дунё — садақа.
Қор қўйнида шивирлайди
барҳаёт савоб, —
юрагимда ҳайқиради —
баҳор — садоқат.

ЯХШИЛАР ЙЎЛИДА СЎНМАҒАЙ ЧИРОҚ

МУНАВВАРА

ВАТАН

Бирида болангман, бирда боламсан,
Гоҳида аллаю, гоҳи аламсан.
Отамдай соғиниб, боламдай суйиб,
Кунимга куйганим — мунис онамсан.
Ҳар лаҳза керагим-коримсан, Ватан!

Қуламас деворсан отам тиклаган,
Тугамас дуосан онам тилаган.
Тебратган бешигим, ётган бешигим,
Сен нурсан, жонимни ўтга ўраган.
Сиғинган меҳробим, тўримсан, Ватан!

Муқаддас остона, мукаррам тупроқ,
Яхшилар йўлида сўнмаган чироқ.
Қўркли кўкингдаги лочин болангман —
Йўлаган қузғунга соламан титроқ.
Юксак чўққидаги қоримсан, Ватан!

Сени бешик дедим, мен бедор эдим,
Ёвга хиёнат-у, мардга ор дедим.
Кафтимда чўғ тутиб ҳайқиргум бугун,
Бўлса сендай макон — битта бор, дедим.
Жаннатим, иймоним, боримсан, Ватан.

* * *

Ини бузилмасин чумолининг ҳам,
Дала-даштга сарсон кетмасин тарқаб.
Одамзод кўп ишга қодирдир, аммо
Ўргимчак тўрини бўлмайди ясаб.

Илон бўйламасин қушнинг инига,
Чуғраса титратар кўкнинг ноласи.
Осмонўпар қаср бунёд этар, лек
Қузғунга ин қурмас инсон боласи.

Гар сайёд қасд этиб йўлласа пайкон,
Қоя учидаги бургут ҳам қурбон.
Айёр, маккор дея чўпчаклар айтиб,
Тулки терисидан киямиз чопон.

Гулзор аро инсон кезса ҳам юз йил,
Битта аричалик йиғолмайди бол.
Баъзи одамлардан савоби бисёр
Соя бериб турган кекса букри тол.

Туғилган маконни алишиб бўлмас,
Ватанни қўл билан ясаб бўлмайди.
Юрт дея жон бермоқ меросдир, бироқ
Ватан абадийдир, Ватан ўлмайди.

ХАЙР ДЕМА

Ажралишдик, ўзга чора йўқ,
Бу тақдирнинг ҳукмига ижро.
Қадалса ҳам юрагингга ўқ,
Хайр дема, дема алвидо!

Энди менинг манзилим бўлак,
Сенинг йўлинг ёритсин Худо.
Йўл сўнгида охирги тилак —
Хайр дема, дема алвидо!

Бир, икки, уч... мана, ўн қадам,
Кетдим бесўз, кетдим бесадо.
Ортга бир бор қайрилмасам ҳам,
Хайр дема, дема алвидо!

Мен-ку азал қисмат қулиман,
Йўлим ҳасрат, топганим жафо.
Кетдим сенга оғир ботса ҳам,
Хайр дема, дема алвидо!

Кимга ортай куйган дил юкин,
Бошимизда не кўй, не савдо.
Ҳижронларга чидашим учун
Хайр дема, дема алвидо!

* * *

Бугун уйқум юзга бўлинди,
Тушларимда изғиндинг роса.
Қароғимнинг қатида туғён
Туйғу билан қилмас муроса.

Хаёл вафо, хаёл хиёнат,
Не кунларни солди бошимга.
Ўз измига солиб кўнглимни,
Олиб борар сенинг қошингга.

Тонгни кутиб қийналдим бугун,
Руҳим кирди берк кўчаларга.
Билсанг бутун умринг берардинг,
Исён қилган шу кечаларга.

Бугун туним мингга бўлинди,
Мижжаларда қолмади мадор.
Майли бедор ўтай бир умр,
Насиб этса бир лаҳза дийдор.

СОҒИНЧ

Мендан сўранг соғинчнинг тусин —
Ранглари сомон.
Мен кўрганман соғинчнинг уйин —
Қулбаси вайрон.

Йўлаги бор соғинчни суйган —
Чеки йўқ армон.
Чечаги бор соғинчни суйган —
Номи заъфарон.

Ридоси бор соғинчни кийган —
Минг ямоқ чопон.
Ўша соғинч бўлса мен билган —
Бағри тўла қон.

Кириб келар изн сўрамай
Ё гадо, ё хон.
Қанча хўрлаб, қанча ҳайдамай,
Кўчамда сарсон.

Жисмимга ўралди, қийнади руҳни,
Оҳ, соғинч — илон.
Биламан тарк этар мен қулни
Чиққанида жон...

Сиддиқ МЎМИН

МАСЛАҲАТ

Соғлом, узоқ яшаш учун
Нималарни билиш керак?
Энг аввало, бунинг учун —
Юракни кенг қилиш керак.

Тор қилмай бу кенг дунёни,
Талашмай зару тиллони,
Тилдан қўймай бисмиллони —
Юракни кенг қилиш керак.

Мол-дунёга бермайин зеб,
Ҳаммамизга етади деб,
Топганини ўртада еб —
Юракни кенг қилиш керак.

Ҳавас қилиб, ҳасад қилмай,
Дуч келганга ҳасрат қилмай,
Нодон гапларга бўғилмай —
Юракни кенг қилиш керак.

Дилкаш дамга шукур қилиб,
Қуй-қўшиқдан ҳузур қилиб,
Ўқиб, ишлаб, ўйнаб-кулиб —
Юракни кенг қилиш керак.

ЧОЛ ФАЛСАФАСИ

Қўлда ниҳол, шошади бобо,
Гапга тутар бир ўсмир бола:
— Қаерларга шошасиз бунча?
Ким бор, ким йўқ мева туккунча!..
Чол завқ билан отади ханда:
— Улгуриб қолайин, дейман-да!

Кампиридан узмас кўзини,
Аямайди юмшоқ сўзини.
Қўйиб берса, супурар эшик,
Керак бўлса, тебратар бешик.
Кампир деса: — Қилманг шарманда!
Дер: — Улгуриб қолай, дейман-да!

Болаларга боқар бошқача,
Набирасин бошлар боғчага.
Чеварага тутади сўрғич,
Меҳр қайнар қалбида ғиж-ғиж.
Бир гапини қилмайди канда:
— Улгуриб қолайин, дейман-да!

Қўшнисига узатар таом,
Кундан-кунга бўлар серсалом.
Кўраётган каби сўнгги бор,
Ҳар одамга қилар эътибор.
Дер: — Омонат жонимиз танда,
Улгуриб қолайин, дейман-да!

...Ҳаққа етди чолнинг ноласи,
Катта бўлди жажжи боласи.
Мева тугди эккан ниҳоли,
Бир жумлага яради ҳоли:
— Ризо бўлсин мендан ҳар банда,
Мен шунга улгурай, дейман-да!..

ДОКТОР БЕРННИНГ ҚАЙҒУСИ

Қуйидаги мўъжазгина мақолани таржима қилиб бўлдим-у, Берн жаноблари[1] қиларга иш тополмай, азбаройи бекорчиликдан эртакларни ғалвирдан ўтказибдилар-да, дея ўйлаб қолдим. Ахир, ҳар бир халқнинг эртаклари минг йиллар аввал тўқилиб, оғиздан-оғизга ўтиб яшаб келади. Ундаги қаҳрамонлар, афсонавий ҳодисалар миллатнинг қон-қонига сингиб кетади. Ахлоқий-тарбиявий, эстетик ғоялари нафақат ёш авлодни, балки бутун жамият аъзоларини эзгулик сари ундаб туради...

Ва шу ерда эътиборингизни *тўқилиб* сўзига қаратмоқчимиз, эртак тўқилгандан кейин унинг сюжетига, мантиққа мосми-мос эмасми, хоҳлаганча муболағали воқеаларни қўшиб-чатиш мумкин. Устига-устак, эртак болаларбоп асар, ундан ортиқча мукаммаллик излаш ҳам ноўрин. Муҳими, кичкинтойларни овунтирса бўлди-да.

Лекин бу мақола кейинчалик миямга чиппа ёпишиб олди. Истасам-истамасам, шу ҳақда ўйлай бошладим. Ва тушундимки, муаллифнинг асл мақсади умуман бошқа масалага қаратилган экан. Бу ҳақда Берннинг мақоласидан кейин...

Эрик БЕРН

"Қизил қалпоқча" эртаги марслик нигоҳида

...Кунларнинг бирида ойиси Қизил қалпоқчали қизининг қўлига сомса ва қўвачадаги ёғни тутқазиб, бувисининг ёнига жўнатади. Қизалоқ йўлда бўрига дуч келади. Тўхтанг, шу ерда савол туғилади: қайси она ёш болани бўриларга тўла ўрмонга юборади? Нима учун сомсани ўзи олиб бормади ёки қизига ҳамроҳ бўлмади? Кампир шунчалик ёрдамга муҳтож экан, нега унинг қулбада ёлғиз яшашига йўл қўйилди? Хўп, қизалоқ бир ўзи бориши керак ҳам дейлик, лекин унга онаси йўлда тўхтамасликни, бўри билан гап сотиб ўтириш керакмаслигини нега тайинламади? Эртакдан маълумки, Қизил қалпоқча бу хатарлардан мутлақо бехабар эди. Бироқ қаётий тажрибаси бор ҳар қандай она бунчалик беғам бўлмайди-ку! Демак, онанинг ҳеч нимадан хавотир олмаслиги худди қизалоқидан тезроқ қутулмоқчидек тасаввур уйғотади. Қизиғи эса, унинг шу норасида қизидан бошқа ҳеч кими йўқ эди. Қизалоқ бувисиникига боргач, бўрини (унинг кўзлари, қулоқлари, оёқлари ва тишларини) кўргандан кейинги аҳволини эсланг. Нега у ўша заҳотиёқ қулбадан қочиб кетмади? Ҳар қандай ҳолатда ҳам, дейлик, у ўта меҳрибон қиз бўлганда ҳам, бўрига дуч келгандан кейин хотиржам гул териб юрмаслиги керак эди, қайтанга: "Йирткич бувимни еб қўйиши мумкин, тезроқ ёрдамга шошишим керак", деб ўйлаши лозим эмасмиди?

Эртакдаги буви ва овчи образлари ҳам шубҳали. Агар бу чўпчакка реал кишилар иштирок этаётган ҳодиса деб қарайдиган бўлсак, худди уларнинг ҳар бири учун алоҳида сценарий ёзилгандек ажаблантиради. Фақат бу тақдирлар мажбуран бир-бирига тиркаб қўйилган. Бу нималарда кўринади:

— қандайдир "бахтсиз ҳодиса" ёрдамида қизидан қутулмоқчи бўлгандек тасаввур қолдирадиган она қиёфасида;

— бўрининг (қуён ва шунга ўхшаш жониворларни овлаб юрувчи, ҳуллас, ўзи хон — қўланкаси майдон бўрининг) била туриб ўз жонини хатарга қўйишида. Чамамда, у ёшлигида Ниқшени ўқиган кўринади (Ғапира оладиган, кампир қиёфасига кириб олишга ақли етган бўри китоб ҳам ўқий олади-да). Бундай дейишимга сабаб, йирткич гўё ўзига Ниқшенинг сўзларини шиор қилиб олганди: "Хавф-хатар ичра яша, аммо шараф билан ўл!"

— ёлғиз, бунинг устига, эшикни қулфламай яшайдиган бувининг хатти-ҳаракатларида. Бизнингча, у ҳаётдан жуда безган, ҳеч нимага иштиёқи йўқ. Хатто қариндошлари билан бирга туришни ҳам истамайди. Лекин шу ўринда "буви"нинг кекса эканлигига ҳам ишонгинг келмайди, ахир унинг невараси ҳали гўдак бўлса!

— овчининг худди бу воқеаларни аввалдан билгандай ҳодиса жойида ҳозиру нозир бўлишида. Бу ўринда унинг вазифаси тушунарли — халоскор, ахир ундан бошқа ким ҳам норасида қиз ва кекса хонимга ёрдам бера оларди.

Қизил қалпоқча бувисини (бу ўринда тўшакда ётган бўри назарда тутилмоқда) биринчи марта кўриб турагандек саволга тутиши, устига-устак, каравотга хотиржам чиқиб олиши кишини ҳайрон қолдиради. Қизалоқ йирткич билан очиқдан-очиқ ўйнашаяпти, деган ҳулосага келасиз. Қизиғи эса, бу ўйин қизалоқ учун омадли якунланади.

Бу эртакдаги қаҳрамонларнинг ҳаёти ҳеч қандай қимматга эга эмасдек туюлади. Гўё эртак ёзишдан мақсад бўрини қандай қилиб қўлга олиш мумкинлигини айтишдан иборатдек, холос. Уни илинтириш учун ўзини лақма қилиб кўрсатувчи, аслида қопқон вазифасини ўтовчи қизалоқдан фойдаланилади. Агар бошқачароқ бўлганда, масалан, Қизил қалпоқча бўри яшайдиган ўрмонга бормаса ёки бўрини қиздан узоқроқ юришини (шунда буви ҳам бехавотир бўларди) таъминласа бўлмасмиди? Ҳуллас, эртакдан мақсад — бўрилар ўрмонда ҳеч қачон ёлғиз сайр қилмасин, охири вой бўлади, деган гапни уқтириш, шекилли... Бу ҳолат қизини ўрмонга юбориб, унинг кун бўйи қайтмаганидан хавотир олмаётган ойисининг хотиржамлигида ҳам сезилади.

Агар ўқувчилар ушбу таҳлилимизни беадабликка йўйсалар, улар реал ҳаётда Қизил қалпоқча бўлиб яшаб кўришсин. Демоқчимизки, бунақа "меҳрибон она" ва бундай "тажриба" билан яшайдиган одам "улгаярмикан"?

Эрик Берндай психолог олим қимматли вақтини сарфлаб қарийб беш юз йилдан бери яшаб келаётган, Шарл Перодек[2] машҳур эртакнавис қаламига мансуб бу чўпчакни нега таҳлил қилди? Унинг эртакни майда деталларгача кўздан кечириши боиси нимада? Нияти фақат асарнинг ғализ ёзилганини (аниқроғи, тўқилганини) исботлаб бериш эдими ёки...

Англашимизча, муаллиф бу митти тадқиқоти билан бошқалар учун "кўрга ҳасса" ясаган, ҳасса бўлганда ҳам бежирим, тутқичи тўмтоқ ҳасса. Модомики, асарлардаги мантиқсизликни тафтиш қилмоқчи экан, бирор қисса ёки романни қўлга олиб, ҳафсала билан таҳлил қилиши ҳам мумкин эди-ку. Аммо у "коса тагида нимкоса" усулини қўллашни афзал билди. Психология фанида беморни даволашнинг самарали йўли у ҳақда ноҳуш гап айтмаслик ҳисобланади (Э.Берннинг шифокор эканлигини ҳам унутмаслик керак!). Агар хаста одамга "Сен касалсан" ёки "Сенинг аҳволинг оғир", дейилса, ҳеч қачон яхши натижага эришиб бўлмайди. Аксинча, уни даволашда бошқа беморларни кўрсатиб, "Сенинг ҳолатинг буларникидан яхшироқ", дейиш унинг соғайишга бўлган ишончини оширади. Демоқчимизки, муаллиф ҳам худди шу — иккинчи йўлни танлаган. Бу ерда "Қизил қалпоқча"дек митти, инсоният тақдири учун унчалик катта аҳамиятга эга бўлмаган эртак Берн учун ана шундай иккиламчи "объект" вазифасини бажаради.

"...Бу тақдирлар мажбуран бир-бирига тиркаб қўйилган." Бу жумла адолатли таҳлил жараёнида қайси йўлдан бориш маъқуллигини кўрсатувчи "компас". Ана шу *компас* эртакдаги ҳар бир интригани шошмасдан, орқа-ўнгига қараб назардан ўтказиш лозимлигини кўрсатади. Ва, таҳлилчи қаҳрамонларнинг бир-бирига зид, эҳтимол, эртак мақсадига ҳам мос келмайдиган жиҳатларини кашф қила бошлайди. Бу *кашфиётлар* шу даражага бориб етадики, муаллиф тили билан айтганда, "беғам она", "содда-муғомбир қизча", "Ниқшега ихлос қўйган бўри" ва, ниҳоят, "эртакни якунлаш учун шартли равишда киритилган овчи" энди бизнинг ҳам энсамизни қотириб юборади.

"Эртак ёзишдан мақсад бўрини қандай қилиб қўлга олиш мумкинлигини айтишдан иборатдек, холос." Бу хулосани айтиш учун эртакдаги мантиқсизликлар (мақола аввалида муаллиф ўртага ташлаган саволларни эсланг) кифоя қилади. Қарангки, бутун Европа халқларининг севимли эртаги (бу эртак биз учун ҳам қадрдон) ҳисобланган "Қизил қалпоқча"да шунча ғализлик бор, бунинг устига, эртак беш асрдан омон-эсон ўтиб келмоқда, дедик. Демак, шунча йиллардан буён шу ғализликларни кўриб кўрмасликка олаяпмизми?

Лекин психологнинг хавотири бунда эмас. Аслида, эртак бундан ҳам баттар воқеаларга тўлиб-тошиб кетса ҳам унга барибир. Уни қизиқтирган, аниқроғи, у хоҳлаган нарса — бояги *кўрга ҳасса* эди. Берн шу мақолани ёзар экан, оддий бир чўпчакка шунча маломат-у надомат қилиши адолатдан эмаслигини, албатта, биларди. Эртак дегани кўз кўриб, қулоқ эшитмаган ажойиботлардан, ерга тароқни ташласа ҳайбатли ўрмонга айланадиган қадим-қадим замонлардан олиб ёзилишини ҳам тушунарди. Унинг асосий мақсади бу таҳлил орқали бошқа "эртакнамо баёнларга" ўз фикри-хулосасини айтиб олиш эди. Яна ҳам тўғриси, жамиятларни емириб ётган оммавий савиясизлик, санъат ва адабиётга дахл солаётган сохта ва сурбет "истеъдодлар", бачкана олқишбозлик, маънавий мардикорликнинг урчиши, соф туйғу билан ***пул топишга ихтисослаштирилган*** майда ҳисларнинг фарқи ҳақида ёзмоқчи эди у.

Берн ўзи яшаётган жамиятда ҳам, бошқасида ҳам бу каби *тийиқсиз ҳаракатлар* кечаётганини яхши илғаган. У нашриётлар "Қизил қалпоқча"дан ҳам баттар жўн, сийқа, ҳавасга ёзилган, таҳрир кўрмаган (кўрмайдиган ҳам), қаҳрамонлари Ниқшедан таъсирланган бўридан-да мужмал характерда бўлган асарлар тўлиб кетганини, адиблар аллақачон "Менга тегма, сендан ўтганлари ҳақида эринмай баён қилиб берувчи "қисса"лар, "романлар" худди китобхон дидини тобора ўтмаслаштиришга мўлжаллангандек тасаввур қолдиради.

Бир мақола шарҳи

Қизиғи, бундай асарларнинг аксар қаҳрамонлари эртакдан олингандек туюлади: бир зумда олижаноб кишига, бир зумда риёкор ёки жиноятчига айланади-қолади. Ваҳоланки, асардаги ҳар бир тақдирнинг руҳий ҳолати, шу ўзгаришгача бўлган кечинмалари ҳисобга олиниши керак эмасми?

Бундай сакталиклар шеърий машқларда ҳам тез-тез кўзга ташланади. "Оппоқ қорлар ёғар осмондан", дейди бир шоир йигит. Шу мисранинг ўзидаёқ икки ғализ фикрга қоқиласиз. Биринчиси, *қорнинг оқлиги* (бошқа рангдаги қорни кўрганмисиз) бўлса, навбатдагиси *қорнинг осмондан ёғиши*. Бунга ўхшаш қанча шеърлар китоб бўлиб, жавонимизга жойлашиб бўлди экан... Агар булар Шарл Перонинг эртаги ҳолига тушса, нима бўлади? Берннинг ҳеч бўлмаганда икки вароқ нимадир ёзишига (майли, танқид бўлсин) арзирмиди? Бизнингча, психолог мийиғида кулиб қўярди, холос.

Мақола сўнгида эътиборингизни олим танлаган сарлавҳага қаратмоқчиман: "Қизил қалпоқча" эртаги марслик нигоҳида". Албатта, бу қитмир сарлавҳанинг *аччиқданагига* тушуниб турибсиз. Гап бунда эмас, гап — ҳақиқат мезони сифатида "марслик нигоҳи"дан фойдаланилаётганида. Бу энди нозик жиҳат. Нега энди олим эртакчига ҳам эмас, адабиётшуносларга ҳам эмас, айнан учинчи томон — ўзга сайёраликнинг қарашларига кўпроқ таянди? Бу билан *ерликларда* холис фикр қолмади, демоқчими...

Яқинда ихтирочилар томонидан кашф этилган антиқа янгилик ҳақида эшитдим. Улар уяли алоқаларни энди коинотдан туриб — сунъий йўлдош ёрдамида бошқаришни, аниқроғи, махсус дастур ёрдамида мижозларга хизмат кўрсатишни ўйлаб топишибди. Унга кўра, агар сиз бирор яқинингизни топмоқчи бўлсангиз, унинг рақамини териб *дастурга* жўнатасиз. Қарабсизки, бир-икки сониядаёқ ўша танишингиз айни пайтда турган жойнинг тасвири етиб келади. Ҳатто унинг ким билан, қай ҳолатда, нима иш устида турганини ҳам аниқ-тиниқ билиб оласиз. Демак, космосдан туриб ернинг ҳар бир нуқтасини текшириш мумкин. Бундан чиқди, Берн адабиётдаги нозик нуқталарни аниқлашда айнан марсликнинг фикрига ишонганини ҳам тушуниш мумкин.

Гапнинг индаллоси, психолог ўз ишини қойилмақом бажарди. У қайси асар қандай қимматга эга, инсоният руҳиятини соғломлаштиришдаги фойдаси нечоғли, "бадиий адабиёт"ларнинг асл қиёфаси қандай, шуларни таҳлил қилди. Сиз бу ўринда қайси *бадиий адабиёт* ҳақида гапирилаётганини тушуниб турибсиз, албатта. Табиийки, бу гап "Қизил қалпоқча"дек нодир ва машҳур эртакларга тааллуқли эмас. Фақат муаллиф, ўзи таъкидлаганидек, бундай беғамлик ва тажрибасизлик билан унибўсиш, яъни жамиятни маънан улғайтириш мумкинми, шу ҳақда бош қотиради. Берн шундан қайғуради, холос...

Носиржон ЖЎРАЕВ

[1] **Эрик Берн (1910 — 1970)** — *америкалик машҳур психоаналитик. Унинг "Ҳаракатдаги психика", «Қўғирчоқ одамлар" номли китоблари шуҳрат қозонган.*

[2] **Шарл Перо (1628 — 1703)** — *машҳур француз эртакнавис ёзувчиси. "Қизил қалпоқча", "Золушка", "Этик кийган мушук", "Кўк соқол", "Соҳибжамол ва махлуқ" каби кўплаб эртаклар муаллифи.*

Куни кеча Ўзбекистон Бадиий академиясининг Марказий кўргазмалар залида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Павел Бенков таваллудининг 130 йиллигига бағишлаб, таниқли рассом асарларидан иборат кўргазма очилди. Ўзбекистон музейларидан саралаб олинган бу асарлар намойиши тасвирий санъат ихлосмандлари учун катта воқеа бўлди.

БЕНКОВ КАШФИЁТЛАРИ

Нодир НОРМАТОВ

Маънавияти юксак бўлган ҳар бир халқ ўз қадриятлари, анъаналарини ҳурмат қилган, уларни эҳтиром билан юксак мақомда қуйлаган бошқа миллат вакилини ўзиники деб билади, ардоқлайди. Павел Петрович ана шундай ҳурматга сазовор улуғ рассомлардан эди.

«Бенковнинг бугунги кун рассомлари учун ўрганадиган бир фазилати шундаки, у халқимиз ҳаётига фаол аралашди, ўз асарларида ўзбекона ҳаёт тарзининг бадииятга алоқадор жиҳатларини юксак маданият билан тасвирий санъатга олиб кирди, уларни икир-чикирларигача завқу шавқ билан чизди,- деган эди рассом Рўзи Чориев. — Шунинг учун, Самарқанд, Бухоро, Хива туркумлари уни жаҳонга танитди".

П.Бенков Ўзбекистонга 1928 йили келганди ва бир умр (1944 йили Самарқандда вафот этган) шу ўлканинг мафтуни бўлиб қолди.

...Қалин ишкомлар орасидан қуёшнинг заррин нурлари ер узра ёғилиб турибди. Олтинранг узумлар ғарқ пишган. Ишком остида икки қиз. Дуркунгина, хушрўй ўзбек қизчаси ёнидаги дугонасига узум узиб кўрсатяпти. Уларни боғбон ва бошқа болалар зимдан кузатиб туришибди. Картинадаги барча персонажлар аҳил бир оилани эслатади. «Узум узиш» деб номланган бу картинанинг муаллифини ким билмайди, дейсиз. Павел Бенковнинг бу картинаси иккинчи жаҳон урушида ота-онасиз қолган болалар Ўзбекистонга эвакуация қилинган бир пайтда яратилган эди. Рассом бу картинада нафақат Ўзбекистон кузини, балки инсоний тиниқ туйғуларни, дўстона муносабатларни меҳр-муҳаббат билан тасвирлаган.

П.Бенков дунё кезган, ҳаётнинг аччиқ-чучукларини кўрган, маҳорат мактабини ўтаган рассом эди. Қозон Рассомлик билим юртини тугатиб, бир йилга яқин Парижда Жюльеннинг шахсий мактабида ўқиди, Испанияга бориб Веласкес ишларини ўрганди, Италияда диплом ишини тугатди.

Улкан орзу ва режалар билан 1909 йили Қозон шаҳрига келиб, рассомлик билим юртида дарс берди, шу ерда ижодий ишларини бошлаб юборди. Қозон опера театрида декорациялар ишлади, бир қанча портрет ва манзаралар яратди.

Рассом оддий халқ вакилларини чизаркан, улардаги соддалик, табиийлик уни мафтун этди. Натижада «Кекса татар», «Татар ишчи», «Татар қизи» сингари бир қатор асарлари яратилди. Бу даврда ишланган асарлари орасида «Лўли қиз» сурати айниқса таъсирчан ва машҳурдир.

Ўзбекистонга келган ижодкорни бу ердаги миллий қадриятлар, халқнинг бағрикенглиги, табиатнинг рангбаранглиги ҳайратга солди. Самарқандда яшаб туриб, Бухоро, Хива шаҳарларига ижодий сафар қилди.

Рассомнинг Бухоро сафари анча самарали бўлган эди. Бу ерда натурадан ишлаш усули пленэр рангтасвирининг ўзига хос хусусиятларини тақозо этди. Уни тўла ўзлаштиргани боис, П.Бенков пленэр бўйича моҳир рассом бўлиб етишди ва том маънода Ўзбекистонда пленэр рангтасвири мактабини яратди. "Лабиҳовуз", «Бухоро амалдори», «Бўёқчи яҳудий портрети», «Тожик портрети», «Куз. Ҳовуз бўйида» сингари дурдона асарлари пленэрда ишланган. «Ҳовуз олдидаги мешкоблар», «Ёпиқ кўча», «Ёпиқ бозор» каби қатор асарлар ва этюдларда шаҳар кўчалари, бозор расталари, чойхоналар, кўчалар, одамлар тимсоллари Бухоронинг ўзига хос муҳитини, нафасини бера олди. Баъзида этюд сифатида тўғридан тўғри ҳаётдан ишланган изланишлари тугалланган картина тусини оларди.

Рассом ранг беришда алоҳида усул изларди. Уни, сайёр ёки бошқа юртдан келган мусофир рассомлар ичида, бу қадим заминни очиқ ва ёрқин бўёқли безак билан тасвирлашдан ўзини тия олган ягона рассом дейиш тўғри бўларди. Полифоник оҳангларга эга анча мураккаб ва нафис рангларида ёруғлик ва ҳаво муҳитининг кумушсимон тебранишлари маҳорат билан ифодаланади. Бундай изланишлари учун рассомга ўша пайтларда "эскизчи, асарларида композицион ечим тўла эмас, шакллари тугалланмаган", деб таъна-маломатлар ёғдиришган. Буям етмагандай, уни экзотикага, импрессионистик ишлаш усулига берилган деб, асоссиз айблашган эди.

П.Бенков ўша пайтдаги ҳаётни қандай кўрган, билган бўлса, шундайлигича тасвирлагани учун ҳам бугунги кунда бу асарлар ўзига хос тарихийлик касб этди, экзотика деб аталган унсурлари шунчаки бир ўтмиш излари сифатида намоён бўлади.

30-йилларда катта ўзгаришлар, янгиликлар рўй берди. Рассом янгиланишларни илғади, шаҳар сюжетлари ва портретларида янгича тимсолларни топа олди. «Бухородаги қизил чойхона» ва бошқалар бунга мисол бўла олади. Хивада ишланган асарлари билан рассом нозик колорист сифатида томошабиннни янада мафтун этади. Хиванинг табиий ранглари, бетакрор жилвалари, сарғимтир, тўқ сариқ, жиграрангсимон ранг турлари, қуёш нурларидан қуйган бирмунча сарғайишлар асарларида янгича манзаралар ҳосил қилади. Бу картиналарда («Ҳоразмда чиғир», «Сабзавот бозори», «Минорали кўча» ва бошқа) аввалги кумушсимон ёруғлик тебранишлари эмас, балки офтобда куйган эврилишлар намоён.

Рассом Хивада ишлаган асарларида типажларнинг ўзига хос хусусиятларига, ўзи яшаб келаётган муҳит, кийимкечак ва либосларнинг этнографик жиҳатдан икир-чикирларигача, ўтириш-туришларигача эътибор беради. «Хивалик йигирувчи аёллар», «Хивалик аёл портрети», «Хивалик қиз» каби асарлари бунинг исботидир. Бенков ижодий меросининг энг асл дурдонаси — «Хивалик қиз» (1933й.) асарини унинг ижодидаги баланд чўққиларидан бири дейиш мумкин. Москвадаги Третьяков галереясида сақланадиган бу асар натурадан чизилган, унда ҳаёт лавҳаси бадиий ечимини топган ҳолда акс этган.

1931 йили Бенков Самарқандга келди. Бу ерда Россия ва Сибир тарафлардан келган рассомларнинг бир гуруҳи яшаб қолганди. Бу рассомлар ўз олдиларига замонавий, янги аср санъатини яратишни асосий мақсад қилиб қўйишган эди. Улар Ғарбий Европанинг постимпрессионистик тенденциялари ва рус авангарди билан маҳаллий шарқона анъаналарни уйғунлаштириш ғояларини ўз ижодларига сингдириш билан машғул эдилар.

Самарқанддаги ижодий ҳамкорлик сиёсий талаблар туфайли қарийб тарқалиб кетди. Бу пайтда социалистик реализм деб ном олган услуб дунёга келди. Ғоявий, партиявий талаблар таъсири Бенковни ҳам четлаб ўтмади. Шу даврда йирик ҳажмли «Шойи тўқиш фабрикаси», «Регистонда 8 март», «Ўзбекистонда пахтани чопиқ қилиш», «Равот қурилиши» каби долзарб мавзуларда бир неча асарларини яратди.

Рассом қарийб бир неча ўн йилликларини сарф қилган бу картиналар рангтасвир ва композицион ечими жиҳатидан ҳам қимматга эга. Долзарб картина яратишда пленэр услуби қўл келди. Бенков ҳатто бу йирик кўп қиёфали композицияларда ўз услубини сақлаб қолган.

Рассомнинг уруш йилларидаги ижодида Самарқанд ҳаёти, шаҳарнинг ранг-баранг ва турфа лавҳалари ўз ифодасини топган. «Қаҳрамонни кутиб олиш», «Фронтдан хат», «Янги оилада», «Жангчига совға», «Яна она юртда» каби қатор картиналар шулар жумласидан. Урушнинг сўнгги йилларида Павел Петровичнинг соғлиги ёмонлашди. Аммо, у аввалгидек жуда кўп ишлар, вақтдан имкони борича фойдаланишга ҳаракат қиларди. Шу тахлит Самарқанд манзаралари ва ҳаёти тасвирланган туркуми пайдо бўлди.

Бенков анъанавий Европа рассомлик мактабида тарбия топган йирик портрет устаси. Аммо унинг ижодида қизиқ бир хусусият сезилади. Рассомнинг «Дугоналар» асари бор. Унда сўрида ўтирган икки ўзбек қизи тасвир этилган. Улардан бири кашта тикмоқда. Иккинчиси эса табиатдан завқланган кўйи бир нуқтага тикилиб қолган. Қизиғи шундаки, мана шу портрет билан Камолиддин Беҳзоднинг «Шайбонийхон» портретида чизилиш жиҳатдан ва рангларни қўллашда ўхшашлик бор. Маълумки, Европа рассомлик мактабида оқ билан қора ёки қизил билан қора бўёқлар ёнма-ён ишлатилиши зид ҳисобланган. Агар «Дугоналар»га эътибор берсангиз, иккала қиздаги кийимлар қора-қизил, қора-оқ рангларда ишланган. «Шайбонийхон»да ҳам шу манзарани кўриш мумкин: тасвирланувчининг кийимлари оқ-қизил, қора-қизил ранглар билан ёнма-ён ишлатилган. Шубҳасиз, Павел Петрович юртимизга келгач, қадимий қўлёзма зийнатлари бўлган миниатюралар билан танишган, улардан ўрганган. Беҳзод мактабидан илҳомланган Матисс, Сезанн, Ван Ғог кабиларнинг ижод намуналарини Францияда ўрганган эди.

Умуман олганда, ўзбек воқелигини кенг кўламда теран ҳис қилиш, типик акс эттириш, ранглардан унумли фойдаланиш, шогирдларидан бири Абдулҳақ Абдуллаев таъкидлаганидек, рассом изланишларида ўз самарасини кўрсатди. «Одамлар қалбида бундай теран из қолдириш камдан-кам рассомга насиб этади, — деган эди А.Абдуллаев. — Мен бу билан Бенковдан бошқа яхши рассомлар йўқ демоқчи эмасман, аммо, барибир, орамизда Павел Петрович битта эди. Буни, менимча, ўсиб келаётган ёш рассомлар ёдда сақлашлари лозим. Биз Бенков ўқувчиларимиз, уларга Павел Петрович мактабининг анъаналарини энг азиз эстафета сифатида берамиз».

Гулмира ШИРИНОВА:

РАҚС ҚАЛБДА ТУҒИЛАДИ

Бошланиши биринчи бетда.

Қодир Мўминовнинг маслаҳати билан хореография билим юртига ўқишга кирган Г.Ширинова талабалик йилларида бутунжаҳон ёшлар фестивалида қатнашди. Иш фаолиятини "Шодлик" ашула ва рақс ансамблида бошлади. Юртимизнинг деярли барча вилоятларида, Малайзия, Сингапур, Ҳиндистон, Хитой, Германия, Япония, Жанубий Корея, Туркия, Молдова, Украина каби кўплаб чет элларда сафарларда бўлди. Санъатимиз ривожига қўшган ҳиссаси учун унга "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист" унвони берилади.

Гулмира опадан ўзи севиб ижро этадиган рақслар ҳақида сўраганимизда шундай жавоб берди:

— Рақсларимнинг барчаси мен учун азиз. Айниқса, Бухоро йўналишидаги "Доира рақси" мутахассислар эътиборига тушишимга, мухлислар меҳрини қозонишимга сабаб бўлган. Бу рақсни устоз доирачи Дилмурод Исломов саҳналаштирган. Яна "Совға", Хоразмча", "Тошкент тановари", "Шода-шода", "Эронча", "Бухороча" рақсларимни муҳаббат билан ижро этаман. Умуман олганда, Бухоро ва Фарғона йўналишидаги рақслар мазмундорлиги, динамикаси, турли техник усулларга бойлиги билан мени ҳамиша жалб этиб келади. Фақат битта рақсни — "Муножот"ни ўйнамаганим армон бўлиб қолди. "Ўйнай оламанми, менга ярашадими-йўқми", деган мулоҳазалар билан қолиб кетди. Энди бу борада қизимдан умидим катта.

— Гулмира опа, баъзан "Рақс тушиш ҳам иш бўлибдими?", "Ҳозир ҳамма рақоса бўлиб кетган", деган гаплар эшитилиб қолади...

— Бу ҳақиқий, профессионал рақс билан шунчаки ўйинга тушишни, рақоса билан ўйинчини фарқлай олмайдиганларнинг гапи. Аслида ҳар бир касбга ўхшаш рақс санъатининг ҳам ўзига яраша машаққатлари, ўнқир-чўнқирлари бўлади. Битта рақс асарини яратиш учун аввало мусиқа танлаш, кейин уни аранжировка қилдириш, рақс мазмунига мос либос топиш, рақсни саҳналаштириш ва ниҳоят уни маромига етказиб ижро этиш керак.

Қолаверса, ҳақиқий рақоса бўлиш учун ҳам Аллоҳ юқтирган истеъдод учқунлари бўлиши лозим. Яна машақатли меҳнатга чидами, санъатга меҳри бўлмаса, бари бефойда. Рақсда фонограмма йўқ, ҳамиша ижро жонли. Демак, ҳар куни мунтазам машқ қилиш, жисмоний жиҳатдан ҳам бақувват бўлиш, изланишдан тўхтамаслик керак.

Бизнинг касбимизда яна бир нозик жиҳат бор. Рақоснинг санъатдаги умри қисқа бўлади. Шунинг учун профессионал рақоса сифатида нимадир қолдираман, деган ижодкор ўзини ўққа-чўққа уравермаслиги, моддий манфаат ортидан қувмаслиги, фақат ижод билан шуғулланиши керак. Шунингдек, ўз халқининг тарихини, адабиётини, санъатини яхши билган рақоса-гина гўзал санъат асарлари ярата олади.

— Эшитишимизча, ҳозирги кунда балетмейстер сифатида фаолият юритаётган экансиз. Янги шароитда қийналмаяпсизми?

— Ҳа, йигирма йиллик рақоса-лик фаолиятимдан сўнг балетмейстер сифатида иш бошладим. Ҳозирча кўпроқ умумхалқ байрамлари ва тадбирларида рақслар саҳналаштиряпман. Йирик ишларимдан бири Темурий маликаларга бағишланган "Боғи-жаҳоннома" асаридир. Бу соҳадаги яхши ишларим ҳали олдинда, деб ўйлайман.

Балетмейстер сифатида устозимиз Мукаррама Турғунбоева йўналишини, "Баҳор", "Шодлик" рақс ансамбларининг услубларини ривожлантириш ниятим бор. Ҳозирги кунда сюжетли рақслар камайиб кетяпти. Шу сабабли бирор воқеа-ҳодисани ифодалашга хизмат қилувчи маъноли рақсларни тарғиб қилмоқчиман.

Ҳақиқий гўзал рақс инсонга маънавий озиқ беради, кайфиятини яхшилайди. Бир сўз билан айтганда, одамнинг ички дунёсини гўзаллаштиради. Шундай экан, бизнинг вазифамиз шу мақсадларга хизмат қиладиган рақс асарларини яратишдир. Бунинг учун бастакорларимиз ҳам фақат рақс учун кўпроқ махсус мусиқа ёзишлари керак.

— Сиз ўзингизни бахтли аёл деб ҳисоблайсизми?

— "Уйинг тинч — сен тинч" деган гап бор. Дарҳақиқат, уйингизда, оилангизда тинчлик-хотиржамлик бўлсагина, қўлингиз ишга, ижодга боради. Шунинг учун оилам менга ниҳоятда қадрли. Эҳтимол, бундан 20 йиллар олдин рақсдаги ютуқларим мен учун бахт бўлгандир. Ёшингиз улғайгани сари фикрлашингиз ўзгариб, бахт тушунчаси ҳам бошқача маъно касб этар экан. Шу маънода онамнинг борлиги, дўстларимнинг ёнимда экани, оиламнинг хотиржамлиги мен учун бахт.

Каромат ФАХРИДДИНОВА

ИЖРОЧИЛАР ТАНЛОВИ

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳар икки йилда маданият, санъат ва мусиқа коллежлари ҳамда академик лицейлар ўқувчилари ўртасида ёш ижрочилар кўрик-танловини ўтказиб келмоқда. Бу йил Қарши шаҳрида ўтган танловда тўққиз йўналиш бўйича етти юзга яқин иқтидорли ёшлар қатнашдилар.

Танлов якунига кўра хореография йўналишида Шодиёра Омонова (Наманган санъат коллежи), академик хонандаликда Барно Исматиллаева (Андижон санъат коллежи), торли чолғулар бўйича Аделя Нортожиева, Ахмет Султонов (Успенский номидаги академик лицей), Мансур Қодиров (Глиэр номидаги академик лицей), фортепианода Владимир Лобов (Консерватория академик лицейи) ғолиб бўлдилар. Қуйидаги ўқувчилар турли йўналишларда ўз соҳалари бўйича ғолибликни қўлга киритдилар:

Театр санъати: Охун Юсупов (Навоий маданият ва санъат коллежи), Умида Муқимова (Термиз санъат коллежи), Беҳзод Жониев (Қарши санъат коллежи), Дадахон Обидов (Тошкент маданият коллежи).

Халқ чолғулари: Жасур Ўткуров, Суннат Тўлаганов, Мухтор Муҳаммадалиев, Бунёд Каримов, Нурилло Зарипов, Лутфиллоҳ Абдусатторов (Глиэр номидаги академик лицей), Нодир Саъдуллаев (Нукус маданият ва санъат коллежи), Умида Абдузокирова, Илнур Рахматуллин (Ҳамза номидаги мусиқа коллежи).

Анъанавий ижрочилик: Азамат Ҳасанов (Бухоро санъат коллежи), Мавлон Жалолов, Назира Неъмаджонова (Фарғона санъат коллежи), Ҳасан Раҳимбердиев, Фаррух Мирзаев, Иззат Йўлдошев, Жамшид Имомалиев, Рушана Аҳмадхўжаева (Ҳамза номидаги мусиқа коллежи), Баҳодир Азизов, Далер Саидов (Самарқанд санъат коллежи), Муҳриддин Кимсанов (Андижон санъат коллежи).

Дамли ва зарбли чолғулар: Анна Дряхлова (Ҳамза номидаги мусиқа коллежи), Наргиза Аҳмаджонова, Шуҳрат Оразалиев, Вадим Шведчиков, Станислав Шин (Успенский номидаги акад. лицей), Бобур Мирзо Султонов (Глиэр номидаги акад. лицей), Дилшод Мамадалиев (Наманган санъат коллежи).

Эстрада санъати: Наргиза Фозилова, Арслон Ҳайдаров (Консерватория акад. лицейи), Умид Иброҳимов (Наманган санъат коллежи), Сардор Дилманов (Қарши санъат коллежи), Любов Ширейкина, Виталий Юрченко, Жасур Ғофуров (Ҳамза номидаги мусиқа коллежи), Екатерина Игликова (Тошкент эстрада — цирк коллежи), Шаҳриёр Эркинов (Фарғона санъат коллежи).

Ғолиблар ўз йўналишларида республикамиздаги олий таълим муассасаларига имтиёзли қабул қилинадилар.

М.КАРИМОВА

Илк қадам

ЁШ МАШШОҚНИНГ ДОВРУҒИ

Ҳали ёш бўлишига қарамай, бир қатор халқаро танловларда қатнашиб, Ўзбекистон номини ва санъатини баланд кўтариб келаётган ёшларимиздан бири Дилшод Мелибоевдир.

Ўзбекистон давлат консерваториясининг Шарқ мусиқаси факультети IV босқич талабаси бўлган Дилшод Фарғонанинг Учқўприк туманида таваллуд топган. Дастлабки мусиқий таълимни туман мусиқа мактабида олган. Ундаги иқтидорни пайқаган устози 1997 йил пойтахтга, Р.Глиэр номидаги мусиқа мактаб-интернатига олиб келади. Дилшод ўзи севган афғон рубоби мутахассислиги бўйича ўқишни давом эттиради. Ўқиш давомида бор маҳорати ва меҳрини севган чолғусига бағишлаган Дилшод аста-секин йирик танловларда иштирок эта бошлади. Наманганда ўтган ёш ижрочи созандалар танлови дипломанти бўлади. Тошкент шаҳрида ўтган созандалар ҳамда Бухорода ўтган ёш ижрочи созандалар танловларида лауреатликни қўлга киритади. 2007 йили Москвадаги янги исмлар ижодий мактабининг қатнашчиси ҳамда 2008 йили Россиянинг Улан-Уде шаҳрида ўтказилган "Найдал — 2008" халқаро танловида I даражали диплом ва лауреатлик унвонига сазовор бўлди.

Дилшод 2005 йилдан буён халқаро фестивал ва танловлар совриндори "Сўғдиёна" миллий чолғулар камер оркестрида созанда ва якканавоз сифатида фаолият юритиб келмоқда. Ёш созанданинг ижро дастуридан "Қўшчинор", "Таржеъи Наво", "Мушкулоти Дугоҳ", "Насри Сегоҳ" каби мумтоз мусиқаларимиз ҳамда ўзбек ва жаҳон композиторлари асарларидан намуналар ўрин олган.

Яқинда консерватория залида Дилшод яккахон концертини намойиш этди. Кечани "Сўғдиёна" миллий чолғулар камер оркестри бадиий раҳбари ва дирижёри, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Феруза Абдураҳимова очиб берди. Концерт дастурида М.Бафоевнинг "Сўғдча", Савинов-Калоновнинг "Қўшиқ ва рақс", Калинкиннинг "Украина мавзуларига фантазия", Мекис Теодаракиснинг "Фаришталар мавзеси" операсига муқаддима", Уста Муҳаммад Умарнинг "Гуллар рақси" каби асарлари Дилшод ижросида ва оркестр жўрлигида янгради. Мазкур мусиқий асарлар ижро техникаси, характер ва образ, ритм ва штрихлар мураккаблиги билан алоҳида ажралиб туради. Дилшоднинг бундай мураккаб асарларни маҳорат билан ижро этиши, айниқса, унинг ижросида уд чолғусида янграган "Шарқона оҳанглар" тингловчиларда мусиқага нисбатан муҳаббат, иқтидорли ёшларимизга нисбатан ҳавас ва ҳайрат ҳиссини уйғотди. Д.Мелибоев уд чолғусини мустақил ўрганди ва бир созда бир нечта қўйлар ижро этиб, маҳоратини яна бир бор намоён қилди.

Концерт сўнгида Дилшоднинг устозлари Собиржон Режавалиев ва Анваржон Ҳожиназаров шогирдлари ҳақида илиқ фикрлар билдирдилар.

Лайло АБДУЛЛАЕВА

ЗАРГАРЛАР СУЛОЛАСИ

Миллий заргарлик санъати халқ амалий безак санъатининг энг нафис ва оммалашган туридир. Ҳунармандчиликнинг барча соҳасида ривожланиш, янгиланишлар бўлгани каби заргарлик санъатида ҳам янги-янги истеъдод эгалари етишиб чиқмоқда. Ёш бўлишига қарамай, бу соҳада кўпгина ютуқларга эришиб келаётган Бобур Дадамуҳамедов умидли ҳунармандлардан бири.

Бобур Тошкент шаҳрида заргарлар оиласида дунёга келди. Шундан бўлса керак, у болалик чоғлариданоқ бу ҳунарга ўзгача меҳр қўйди. Отаси ва акаларининг иш жараёнларига ёрдам бериб катта бўлди. Б.Дадамуҳамедов бугунги кунда Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтида таҳсил олмоқда. Айни вақтда ижодий изланишларини ҳам давом эттирмоқда. Бобур яратган заргарлик буюмларининг аксарияти анъанавий ва замонавий услублар уйғунлигининг гўзал намунаси сифатида мутахассис ва мухлисларда қизиқиш уйғотмоқда. Ёш заргар ўз ижодий фаолиятида маҳаллий заргарлик санъатида кенг қўлланилган шаклларнинг унутилиб бораётган анъаналарини қайта тиклашга ҳиссасини қўшишни мақсад қилган.

Танлаган касбига бўлган қизиқиши, заргарликнинг машаққатли жараёнларини меҳнат ва изланишлари билан босиб ўтиши бесамар кетмади. "Ёш усталар — 2004" танловининг Тошкент шаҳар босқичи лауреати бўлди. 2006 йилда "Келажак овози" республика ёшлар танловининг "Тасвирий ва амалий санъат" номинацияси бўйича ғолибликни қўлга киритди. "Ташаббус — 2007" танловида ҳам муваффақиятли қатнашди, қатор халқаро танловлар, кўргазмаларда ишлари эътироф этилди.

— Болалигимдан турли тақинчоқлар, зеб-зийнатлар ичида улғайдим. Ҳали кўп нарсанинг фарқига бормасам-да, отам ва акаларим яратган безаклардан ҳайратланардим. Кейинчалик уларнинг иш жараёнларини кузатиб, озоздан ўрганиб, ёрдамлашиб бордим. Ўн ёшдан ошганимда бу ҳунарни ўрганишга қатъий аҳд қилиб, ўзим мустақил ишлай бошладим. Биринчи бўлиб онам учун зирак ясаганман. Онамга бу зиракни берганимда жуда хурсанд бўлганлар. Уларнинг кўзларида порлаган қувончни кўриб, заргарлик санъатига янада меҳрим ортган. Тўғри, заргарлик диққинафас иш, оғир меҳнатни талаб этади, ўзига яраша қийинчиликлари бор. Турли кимёвий моддалар билан ишлашга тўғри келади. Лекин ҳеч қачон бу соҳани танлаганимдан афсусланмаганман. Аксинча, шу ҳунарим орқали озми-кўпми одамлар орасида ишларим билан танилдим. Дунёнинг қатор давлатларида ўтказилган халқаро кўргазмаларида қатнашдим. Республикамизда ўтказилган фестивал, кўрик-танловлар, кўргазмаларда ишларим учун муносиб тақдирландим.

Сўнгги йилларда давлатимиз томонидан халқ амалий санъатига берилаётган эътибор ва ғамхўрлик туфайли турли соҳаларда фаолият олиб борувчи ҳунармандлар сони ортиб бормоқда. Уларнинг аксарияти ёшлар экани бизга кўтаринки кайфият бағишлайди. Кўргазмаларда қатнашиб шунинг гувоҳи бўламанки, ёш ҳунармандларнинг кўпчилиги ўз ишларида миллий анъаналарга янги замон руҳини беришмоқда. Бу эса янги услуб, янги йўналишлар пайдо бўлишига, амалий санъатимизнинг ривожланишига туртки бўлади.

Дурдона МАХСУДОВА

БАҲОР КЎРГАЗМАСИ

Пойтахтимизнинг "Соғлом авлод учун жамғармаси" анжуманлар залида Зебинисо Шарипованинг "Баҳор. Севги. Лолақизғалдоқ" кўргазмаси очилди. Зебинисо Шарипова ҳозирги замон рангтасвир санъатининг навқирон вакилларидан бири. 1999 йилдан буён рассомнинг шахсий кўргазмалари ўтказиб келинмоқда. Зебинисонинг энг сара асарларидан "Хотира", "Оқ фаришта", "Хаёлга чўмиш", "Ҳофиз Шерозийга бағишлов", айниқса "Умар Ҳаёмга бағишлов" асарлар туркуми томошабинлар, мутахассислар ва рассомлар томонидан эътироф этилди.

КЕКСАЛАР БОР БЎЛСА...

Қишлоқдан мактублар

Қишлоқнинг файзи шундаки, катта-ю кичик бир-бирини танийди, ҳолидан хабар олади. Ёшлар тарбияси доимо ёши улуғлар эътиборида, кексаларнинг панд-насиҳати қулоққа олинади.

Баҳром бобо одоб-ахлоқни бироз унутаёзган ёшларга дуч келганда қаттиқ-қуруқ гапирмайди, аксинча, ўрнак бўларли ўгитлар билан тўғри йўлга бошлайди.

Бобо бир куни эрталабдан уйдан чиқди. Ўғлининг машинада олиб бориб қўяман, дейишига қарамай яёв йўлга тушди. Ҳассаси билан йўлда ётган тошчўпларни четга суриб борар экан, қўшниси Наби тажангнинг икки набираси муюлишда қандайдир ўйинга андармон бўлиб ўтирганига кўзи тушди. Болалар бобонинг томоқ қирганига парво ҳам қилмадилар. Сал нарида кўча супураётган ёш қизалоқ ишини тўхтатиб, салом берди.

— Ваалайкум ассалом, асал қизим, кўп яша. Катта бўлсанг ойингга ўхшаган дўхтир бўлгин, — деди бобо бироз овозини баландлатиб.

Бундан сергак тортган ўйинқароқ болалар чопқиллаб олдига келиб, жўр овозда салом беришди.

— Бобо, биз катта бўлсак ким бўламиз? — деб сўради болаларнинг бири.

— Агар доим катталарга салом бериб, уларнинг гапларига қулоқ солсангиз, албатта, яхши одам бўласизлар.

Болалар бу гапдан ўзларига сабоқ олишди.

Шодмон тижоратчининг дўконига яқинлашганда, жавраганча ўғлини етаклаб чиқиб кетаётган Мастура хола бобонинг диққатини тортди.

— Тинчликми, Шодмонбой? — сўради дўкончидан.

— Кўрмайсизми, ёш болага пул бериб дўконга чиқаришади-да, сўнг қиммат сотибсан, деб жанжал кўтаришади.

— Ўғлим, сен баъзи нарсаларни бошқалардан кўра қимматроқ сотасан.

— Ахир товар олиб келишнинг ўзи бўладими? Менга ҳам осонмас, бу ёқда болалар улғайяпти. Тирикчилик дегандек...

— Нолима, бундан ўн-ўн беш йил олдин ким эдинг? Замона зайли билан шундай дўконинг бор, хоҳлаган нарсангни сотасан. Ҳовлингни ҳам бинойидек ўнглаб олдинг.

— Тўғрику-я, лекин...

— Ҳа балли, инсоф сари барака дейдилар. Шу қишлоқ, шу одамлар борки, сен борсан. Яна шундай ҳолни кўрсам, ростакамига ранжийман. Отанг қишлоқда боббрў инсон ўтган-а!

— Ҳўп, бобо, — деди Шодмонбой қизаринқираб.

Шу пайт Баҳром бобо маҳалла кенгашига чақирилганини эслаб, маҳалла идораси томон юрди. Ҳар доимгидек, кекса отахонга сўз беришди. Йиғилишдан чиқкач, Баҳром бобо туман шифохонасига йўл олди. У ерда қўшниси Холмат косиб бир ҳафтадан буён бетоб ётибди. Оқ чойшабга ўралиб ётган косиб бобони кўриши билан чеҳраси ёришиб кетди. Ахир, тўрт девор орасида бир ўзи зерикиб ётганди-да. Қишлоқдан бирор киши келса, худди ҳамқишлоқларини кўргандай бўлади. Икковлон анчагача чақчақлашиб ўтиришди. Қўшнисининг кўнглини кўтарган отахон ўзи ҳам енгил тортиб қишлоққа қайтар экан, йўлда Қобил сартарошга рўбарў келди.

— Қобилбой, тўй қачон?

— Келаси шанбага белгиладик, бобо, фақат чўчиб турибман, биринчи тўй қилишим.

— Чўчима, болам, ўзбекнинг тўйи — катта эҳсон. Эҳсонни эса, парвардигор хуш кўради. Фақат сенга маслаҳатим, тўйда дабдабага, исрофгарчиликка йўл қўйма.

— Ҳўп, бобожон, — деди сартарош икки қўли кўксида.

Баҳром бобо уйига яқинлашаётганда, таниш бир овоз чақиргандай бўлди.

— Баҳром бобо, бир дақиқага тўхтанг.

Қишлоқда "Тантибой" лақабини олган Суннатилла башанг машинасидан тушиб келаркан, қуюқ сўрашди.

— Бобожон, бир маслаҳатингиз керак бўлиб қолди. Ўзингизга маълум, отам тириклигида тузукроқ эъзозламадим. Шунга...

— Ундай дема, асил ўғил экансан, отангни ҳаж сафарига юбординг.

— Шундайку-я, лекин отамизни руҳларини шод этиш учун сиз каби дўстларининг ҳожатини чиқарсам дегандим. Нима маслаҳат берасиз?

— Модомики, шундай ниятинг бор экан, — деди бобо ўйланиб, — яқинда ўғлим мени Самарқанд, Бухорога зиёратга олиб бормоқчи. Каттароқ машина ташкил қилишда ёрдам бersанг, беш-ўн нафар қишлоқ кексалари билан бирга саёҳат қилиб келсак қандай бўларкин?

— Маъқул бобо, тўғрилайлик.

Баҳром бобо яна бир савоб ишни амалга ошаётганидан ўзида йўқ хурсанд бўлиб, уйга кирди.

Бобонинг деярли ҳар куни қишлоқ ташвишларини яхшиликка ҳал этиш, хурсандчиликларига бош қўшиш билан ўтади. Шунинг учун айтсалар керак-да, "Қариси бор уйнинг париси бор", деб. Файзли, куюнчак кексалар бор экан, ўша қишлоқ одамлари ўртасидаги меҳр-оқибат ҳам, бирдамлик ҳам йўқолмайди. Ёшлар тўғри тарбия топадилар. Уларнинг гапларига қулоқ тутиб, иззат-икром кўрсатиш эса, ўзбекка хос азалий фазилатдир.

Абдулҳамид ХАЙДАРОВ

Чортоқ шаҳри

НИЁЗ НАЙЧИ

Ривоят эмас

Бешкент қишлоғи чеккароғида кичкина бир шинам боғли ҳовли бор. Бу ҳовлининг кўриниши ҳашаматли эмас, жуда оддий, росмана уйлардек қурилган уч ёки тўрт хона уй.

Ҳовли ўз кўриниши билан эмас, аммо унда жам бўладиган мўътабар созанда-хонандалар суҳбати билан санъат шинавандаларига маълум эди.

Ҳовли озода, кирган одамнинг баҳри очиларди.

Орқа эшикдан чорбоғ томонга чиқсангиз, олма дарахти тагида лойсувоқ супа, бу супа ёз ойлари ҳамиша гавжум бўлади.

Мана шу мўъжаз ҳовлида уста Абдулла бобо яшар эдилар. Абдулла бобо жуда сипо, нозиктаъб, сўзлаганларида гапнинг мағзини териб-териб гапирадиган киши эди. Қатағон йиллари шўришларидан дўсти мулло Маҳмуд билан қишлоқма-қишлоқ бекиниб юриб, Шаҳрисабз томонлардан Бешкент қишлоғига келиб қолган эканлар.

Мулло Маҳмуд уста танбурчи, жўрнавоз созанда бўлиб, иккалалари тўю маъракаларда холис хизмат қилиб юришарди.

Абдулла бобо кейинчалик бир жойда муқим қолиб, мусиқа асбоблари ясайдиган моҳир уста бўладилар. У киши ясаган танбур, тор, рубоб, руҳобза каби асбоблар кўп созандаларни бу даргоҳга етаклаб келади.

Катта-кичик созандалар, ҳаваскорлар соз бу-юришар, шу жойда созларни мириқиб чалишар, шу тахлит устанинг шогирд ва мухлислари кўпайиб борарди.

Серпоя олма тагидаги супада ҳатто марказдан келган созандалар ҳам соз чалиб, гурунгда бўлиб кетишаркан.

Кунлардан бир куни шу супада ажойиб бир гурунг кечади. Уста бобонинг Ниёз Остонов деган созанда шогирди бор эди.

Бу 1953 йиллар чамаси, мен ёш бўлсам ҳам шу суҳбатда бор эдим.

Устанинг шогирдлари қаторида у-бу ташиб меҳмонларга қарашиб юрардим. Давра зич. Созандалару тингловчилар. Навбатма-навбат куй кетидан куй, қўшиқ кетидан қўшиқ таралади.

Назаримда, навбат Ниёз акага яқинлашди чоғи. У киши камон тортса ҳам, танбур дутор чертса ҳам ажойиб ижрочилик салоҳияти билан ҳаммани маҳлиё қиларди.

Бу истеъдод, айниқса, най чалганда тўла намоён бўларди. Одамлар уни "Ниёз найчи" дейишарди. Найини қўлига олиб, шундай нолавор куй ижро этардики, одамлар бошларини қуйи солганча сукут ичида қолардилар.

Куй тингач, ҳамма таҳсину олқишлар ўқийди. Ўшанда кимдир Ниёз аканинг бухоролик найчининг найини қандай ёрганини сўзлаб беришини сўраб қолганди.

Ниёз ака аввал унамади. "Ёшлик, йигитликда бўлганда", деб қўйди.

Бўлмади, ўтирганлар қистови билан сўзлай бошлади.

Ўшанда Ниёз Остонов айни кучга тўлган, бўз йигит эди. Созандаликда эса унча-мунча созандаларни йўлда қолдириб, шуҳрат топган пайтлари.

Қишлоқда бир бадавлатроқ кишининг тўйига кўп ҳофизу машшоқлар айтилган экан. Буёғи Бухородан, буёғи Қарши ва яна қайсидир томонлардан келишибди. Санъаткорлар тушган қўноқ жой шойи-атлас гирдихоналар билан безатилди. Бухоро созандалари бир томонга, Қарши созандалари иккинчи томонга жойлашдилар. Булар ичида Ниёз найчи ҳам устози билан бор эди.

Ҳар-ҳар жойдан тиринг-тиринг овозлар чиқиб чолғучилар созларини созлай бошладилар ва бир йўл, бир йўл соз чалдилар. Бухоролик найчининг одатдаги найлардан бироз узун силлиқ ишланган ғаров найи бор экан. Ниёз найчининг унга ҳаваси тушиб, бир чалиб кўришни илтимос қилади. Бухоролик найчига бу гап унча ёқинқирамай, "бу найга нафасингиз етмайди, темир найингиздан қолманг", дейди, аммо ноилож найини унга узатади.

— Уста, шунинг найини бир пуфлаб ёрайми, — дейди Ниёз ака ёнида ўтирган устозига. Уста кўнмайди, меҳмонлар хафа бўлишади, — дейди секингина.

Ниёз ака "Чўли Ироқ"ни чунонам берилиб чаладики, най тешикларидан куй эмас, ошиқлар фарёди кўтарилаётгандай бўлади.

Давра аҳли жим қолади. Куй гўё оқ тумандек ёйилиб, одамлар қалби ва уй ичини қоплаб олаётгандек туйилади.

Куй ўрлаб авж пардага чиққанда нафаснинг зарбиданми, билмадим, найдан "кирс" этган товуш чиқади. Ўшанда дарз тўртинчи пардагача етган экан. Найнинг овози зириллаб ўзгариб қолади.

Ниёз ака найни шундай пастга қўядию ёнидаги мис найини олиб куйни давом эттиради.

Най фарёди тинади. Ҳамма ҳайрон.

— Найни ёрган созандани биринчи кўришим, — дейди бухоролик созандалардан бири.

Ниёз ака най эгасидан қайта-қайта узр сўрайди. Ётиб қолгунча, отиб қол, деганларидек, "Найингиз бир нафасимга бардош бера олмади", дейди ва чўнтагидан бир даста пул чиқариб, найчига узатади.

— Йўқ, йўқ, — дейди меҳмон, — олмайман. Най топилади, жўро! Кейин ёрилган найини қизил ғилофига ўраб, махсисининг қўнжига солиб қўяди. У Ниёз найчининг нима учун мис най тутишини шунда тушунган бўлса ажаб эмас.

Йиғин охирида бухоролик найчи ўзига теккан тўнни қўярда-қўймай Ниёз найчининг елкасига ёпади. Узр, дейди Ниёз акага қараб.

Бухоро-қу созандалар макони, аммо ҳар жойнинг ўз арслони бўларкан-да, деган фикр ўтади, ўшанда ўтирган меҳмонлар дилидан.

Баҳром МАҲМУДОВ

Қарши

Дунё — кенг...

ЮВИНИШНИНГ АНТИҚА УСУЛИ

Ҳиндистоннинг Варанаси шаҳри яқинидаги қишлоқ фуқароларидан бири 35 йилдан буён ювинмас экан. AFP ахборот агентлиги тарқатган хабарларга кўра, Кайлаш Сингх исмли бу киши «оловли покланиш» усулини ўйлаб топган. Бу усулга кўра, ҳиндистонлик гулхан ёнида бир оёқлаб туриб, тамаки тутатганича илоҳ Шивага ибодат қиларкан.



Ҳозирда 63 ёшни қаршилаган Сингхнинг айтишича, олов танани барча микроблардан батамом тозалар эмиш. Кайлаш Сингхнинг аввалари озиқ-овқат дўкони бор эди. Унинг ювинмай қўйганини эшитган харидорлар дўконга кирмай қўйишганидан сўнг Кайлаш дўконни ёпишга мажбур бўлди. Қария ҳатто кийимларини ҳам алмаштирмайди: қишин-ёзин битта кийимда. Кайлаш Сингхнинг ҳозирда қариндош-уруғлари билан ҳам муносабат бузилган. Бунга сабаб беш йил аввал унинг акаси оламдан ўтганда, Кайлаш одатларига хилоф равишда Ганг дарёсида чўмилишдан бош тортганди.

Ҳамқишлоқларининг айтишича, Кайлаш Сингхнинг узоқ йиллардан буён ювинмаслигининг асосий сабаби бошқа ёқда жан: кимдир унга агар ювинмасанг албатта, ўғил фарзанд кўрасан, деб ишонтирган. Унинг, айни пайтда, етти нафар қизи бор.

ЯЛҚОВЛАР МАМЛАКАТИ

Французлар дунёдаги энг ялқов одамлар экан. Британияликлар суткасига 7,5 соат, японлар 8 соат ухлашса, францияликлар бир кунда нақ тўққиз соат ором олишади, деб ёзади «The Daily Mail» нашри. Ухлаш борасидаги «ялқовлик» бўйича иккинчи ўринни АҚШликлар эгаллашди: улар суткасига 8,5 соат ухлашди. Учинчи ўрин испанияликларга «насиб» этди.

Париж иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш ташкилоти томонидан олиб борилган тадқиқот натижаларига кўра, Франция аҳолиси нафақат ухлаш, балки бошқа масалаларда ҳам бемалол экан. Тушликка улар нақд икки соат вақт ажратишаркан.

«Gilles Dorre» ресторани хўжайинининг айтишича, французлар ҳақиқатдан ҳам эзмаланиб овқатланишни хуш кўришади. «Бу бизга одат бўлиб қолган, Мазали овқат ва хуштаъм вино учун биз соатлаб вақт ажратамиз. Соатлаб овқатланиш биз французларнинг одатимизга айланган. Йўл-йўлакай ёки ўн дақиқада тушлик қилувчи одамларга ачинаман», деди у.

Тушликка вақт сарфлашда Янги Зеландия ва Япония аҳолиси ҳам французлардан қолишмайди. эгаллади. Бу мамлакатлар фуқароларининг аксарияти овқатланиш учун салкам икки соат вақт ажратишади. Энг тез тушлик қилувчи кишилар британияликлар бўлиб, улар бунинг учун бор-йўғи ўттиз дақиқа вақт сарфлашаркан, холос.

ҚИШЛОҚДА ТОНГ

Булбул ғунчаларга бошламай эртак,
Чилласи чиқмаган мурғак келинчак
Висол оғушидан суғурди билак.

Мудроқдан мункиди шохчада ҳакка,
Чигиртка ҳуштагин солди чўнтакка.
Осмондан оёғин олди синчалак.

Япроқ қулоғига осилди сирға,
Олма яноғига босилди тамға.
Анор залворидан зорланди тирғак.

Насиба йўлини бўшатди эшик,
Сўнгги бор тебраниб тўхтади бешик,
Тушлар суруридан жилмайди гўдак.

Янги кун юзини ёритди зиё,
Жойнамоз тўрида Ватан — тўтиё,
Оқ тонгда қилинди сутдек пок тилак.

Насимжон МАМАДАЛИЕВ

Уйчи тумани



Газетхонлар илҳоми

ХАЛҚИМ

Дарвозасин қоқса бирор кас,
Танишми ё нотаниш демай
Таклиф этиб уйига ўзбек,
Меҳмон қилар ва ўзи емай —

Топган-тутган нозу неъматин
Тўкиб солар дастурхонига.
Меҳмондўстлик урфи-одати
Сингиб кетган унинг қонига.

Сахийликда Ҳотами Той ҳам
Иложи йўқ унга бермай тан.
Уни доим эслаб юради
Бир пиёла чойини ичган.

Шоду хуррам ўтсин ҳар онинг,
Бағринг каби очиқ уйингдан
Аримасин дўстинг — меҳмонинг.

Абдураҳмон ҚОДИРОВ

Булунғур тумани

ИККИЛИКЛАР

Тоғора товуши созга кирмайди,
Ғанимнинг биттаси озга кирмайди.

* * *

Тадбиркорнинг иши тиғиз бўлади,
Буйруқбознинг қўли бигиз бўлади.

* * *

Афтига қарасанг, эмасдир лўли,
Дастрўмол ковласанг, чўзилар қўли.

* * *

Аёллар олдида навқиронман дер,
Автобусга чиқса, ногиронман дер.

* * *

Ингичка узилса, йўғон чўзилар,
Ичкилик қўпайса, давра бузилар.

* * *

Эпи йўқ хотиннинг латтаси кўпмиш,
Чала қурилишнинг каттаси кўпмиш.

Пардабой ҚУЛАТОВ

Жарқўрғон тумани

ҲАЁТИЙ ҲИКОЯЛАР

Китобингизни ўқидим

Муҳаббат Ҳамидованинг узоқ йиллардан бери болаларнинг севимли журнали "Гулхан" ойномасида ишлаб келаётган ва, асосан, болаларбоп ҳикоя ва эртаклар муаллифи сифатида билганимиз учун унинг навбатдаги "Алданганни алдама" асари орқали ижодининг янги қирраларини кашф этдик. Тўпламдан ўрин олган ҳикоялар равон ва ширадор тилда ёзилган. Муаллиф образларни узоқдан эмас, сиз ва бизнинг орамиздан танлаганига, ҳаётимизда учраб турадиган воқеаларни саралаб, уларни бироз умумлаштириб, қизиқарли тарзда яна ўзимизга тортиқ қилганига гувоҳ бўлдик.

"Ёмғир эзиб ёққан кун" ҳикояси ҳозирги пайтда ёшлар орасида ўқитувчи устозларга нисбатан ҳурмат пича кўтарилган пайтда уларни ҳушёрликка чорлаб, устозлар олдидаги бир умрлик қарзини чиройли тарзда эслатса, "Девор" ҳикоясидаги Собиржон ва Адол хола тимсолида ўз ота-оналаримизни кўргандай бўлдик. Одам қариган чоғида бир-бирига суяниб қолиши, бир-бирларисиз яшай олмаслигини китобхон англаб олади.

Бобур Мирзонинг изтиробли болалик чоғлари ҳақида ҳикоя қилувчи "Ёлғизнинг ёри" ҳикоясини ўқиб, муаллиф тарихий мавзуда ҳам яхшигина қалам тебрата олишига ишонч ҳосил қилдик. Ҳикояда Мирзо Бобур отаси Умаршайх ва бобокалони Амир Темурни туш кўриши жуда ишонарли тасвирланган.

Тўпламдан ўрин олган ҳикоялар мавзу жиҳатидан тубдан фарқ қилса-да, уларни битта умумий нуқта — меҳр-оқибат бирлаштириб туради. Ҳаётда кимдир оқибат кўради, кимдир оқибатсизлик. Инсон дунёга келиб, ақлини танибдики, омад ахтаради, бахтга интилиб яшайди. Ҳаётнинг минг битта йўлида адашиб, хору зорлик кўчаларини кезганлар бахт, омад илинжида яшайди.

Болалар учун асарлар ёзаётган адиб, энг аввало, ўзи бола бўлиб ижод қилган тақдирдагина китобхонларнинг эътиборини қозонади. Бу жиҳатдан М.Ҳамидова бошқа тенгдош ижодкорларга қараганда, тажриба жиҳатдан кескин фарқ қилади. У салкам чорак асрдан буён кичкинтойлар оламида яшаб, уларга айтса арзигулик ҳикоялар ёзиб келмоқда. Хусусан, қишлоқ болаларининг турмуш тарзини, орзу ва қувончларини юрак-дан ҳис қилиб қалам тебратади. Унинг "Анор пари" ҳикоясидаги Салимжоннинг тойчоғи Қалдирғоч билан боғлиқ воқеалар қизиқарли ҳамда таъсирчанлиги билан китобхонларнинг эътиборини қозонади.

Иқтидорли адибанинг "Ўзбекистон" нашриётида яқинда босмадан чиққан мазкур тўпламидан ўрин олган ҳикояларда ҳаёт остонасида турган ёшлар тақдири ифодаланган. Китоб ўсмир йигит ва қизларимизнинг маънавий оламини янада бойитишга хизмат қилиши, шубҳасиз.

Равшан ИСОҚОВ



Икки дўст тўйда ёнма-ён ўтириб, оқидан яхшигина "тортишди". Кайфиятлар чоғ бўлди. Тўйхонадан чиқишгач, бир-бирларига мулозамат қила бошлашди.

— Жўрақул дўстим, сал кам бўлдида, юр, кафега кирамиз, ўзим сени бир меҳмон қилай.

— Мен ҳам шуни ўйлаб турувдим, — деди Умматали, — кирамиз, аммо хизматда мен бўламан. Бошқа гапга ўрин йўқ.

Киришди. Олдиларига жилпанглаб официант қиз келди.

ИККИ ҲИССА

Митти ҳажвия

— Келинглар, келинглар, иккалангиз ҳам жуда очилиб кетибсизлар, хўш, нима буюрадилар?

Йигитлар мақтовга ийиб кетишди.

— Зўр-зўр овқатлардан олиб келаверинг, жоним, пул дегани, мана бизда. Яхши хизмат қилсангиз, икки ҳисса раҳмат деймиз...

Официант югуриб-елиб хизмат қилди. Йигитлар суюлгандан суюлишди, овқат устига овқат буюришди. Зиёфат якунига етай деб қолганида официант Жўрақулга:

— Йигитнинг гули, сизни бир дақиқага мумкинми? — деб уни бир четга имлади. "Йигитнинг гули" бир чайқалиб ўрнидан турди-да официантнинг орқасидан эргашди.

— Ҳаммаси жойида, — деди у қайтиб келиб жойига ўтирар экан.

Бироздан кейин йигитлар ўринларидан туришди. Официант Умматалининг қулоғига бир нималарни шивирлаб, уни ҳам четга имлади...

Эртасига маълум бўлдики, "гул йигитлар" тунги зиёфат учун иккалалари ҳам пул тўлашибди. Икки ҳисса деб шуни айтсалар керак-да...

Абдулла АҲМАД

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидаги 276-мактаб томонидан 2005 йилда Сагатов Миржамол Мирвасилович номига берилган ўрта таълим маълумотини тасдиқловчи №1523140 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

* * *

Утерянный диплом №273407 выданный на имя Жураевой Мохиры Камилджановны в 2002 г. строительныи колледжи Хамзинского р-на **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

* * *

Мудофаа вазирлиги томонидан 2003 йил 1846 рақами билан Султонов Суннатулла Жўраевич номига №277979 рақам билан берилган диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

* * *

Утеренные документы на квартиру: план квартиры выданный Юнус-Абадскии БТИ по адресу; Юнус-Абад квартал 18, дом 40, кв 14 на имя Шарипова Саида и юридические документы на квартиру **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

* * *

Утеренный угловой штамп частного предприятия «Husniddin savdo» Хамзинского р-на г.Ташкента **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

* * *

Нашедшего утерянный паспорт СА №1569751 на имя Усмоновой Юлдуз Хаитбаевны просим вернуть за вознаграждение. Тел: 418-17-99.

* * *

Утерянный диплом №039892 выданный на имя Касымовой Махфузы Максудовны 27.06.94г музикальным училищем имени Ю. Раджабий **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

* * *

Утеренное гувохнома на квартиру по адресу массив Карасу-6, дом-9, кв-71 на имя Тынчеровой Виктории Хайруллаевны **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

Наманган вилояти Чуст туман Олмос иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи томонидан Асқаралиев Азиз Маҳкамалиевич номига 2008 йилда берилган К№76041 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

На основании решения гражданского суда от 02.03.09г. кадастровые документы на магазин расположенный по адресу г.Ташкент, Сабир-Рахимовский р-он, ул, Усто Олим, д-2, выданные управлением земельных ресурсов и государственного кадастра г.Ташкента 13.02.02 года и зарегистрированные реестром за № 8-60/ 2008 **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМИ.**

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

* * *

НОШИР: "ШАРҚ" НАШРИЁТ-МАТБАА АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

ҲОМИЙ: "МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ" АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

Манзилимиз: Тошкент — 700083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 233-52-91
Котибият — 233-49-93
Электрон манзилимиз: uzasziyoli@list.ru
Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 236-56-50
Санъат бўлими: 236-56-48
Ижтимоий ҳаёт бўлими: 236-58-55
Назм ва наср бўлими: 233-49-93

Бош муҳаррир Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ

Таҳририятга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.
Навбатчи — Иқбол ҚУШШАЕВА
Саҳифаловчи — Жамшид МАТЁҚУБОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 22.10.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0283-рақам билан рўйхатга олинган. А — 6583. Буюртма Г — 448. Ҳажми — 5 босма табоқ. Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 4 5 6 7 8

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ. СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН